Ўзбекистон овози

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ РЎЗНОМАСИ

Рўзнома 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

№ 236 (21.102) 1991 йил 6 декабрь жума

Баҳоси 8 тийин.



ОЛИМЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ

4 декабрь куни Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов Ўзбекистон Фанлар академиясининг президиуми аъзолари ва таниқли олимлар билан учрашди.

Учрашувни Ўзбекистон Фанлар академиясининг президенти М. С. Салоҳиддинов очиб, Президент олимлар билан доимий мулоқотда бўлиб келаётганлигини, лекин улар ҳузуридаги бу галги учрашув алоҳида аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади. У академиянинг барча олимлари Ўзбекистон Республикаси Президентлигига И. А. Каримов номзоди кўрсатилганлигини қизғин маъқуллаётганликларини айтди.

— Мен сизлар билан мустақил Ўзбекистон ва унинг халқи учун жуда қийин бир вазиятда учрашмоқдаман, — деди И. А. Каримов.— Мамлакат пароканда бўлиб кетди. Иттифоқ энди йўқ. Эски Фанлар академияси ҳам қолмади. Биз бундан буён ўз ҳаётимизни қандай ташкил қилишимиз кераклиги долзарб масала бўлиб турибди.

Ўзбекистон мустақил деб эълон қилинди. Халқимизнинг асрий орзуси ушалди. Энди қўлга киритилган ана шу мустақилликни кўз қорачиғидек асраб, уни мустаҳкамлаш лозим. Мустақиллик қуруқ гап бўлиб қолмаслиги керак. Мустақилликни таъминлашга сиз, олимлар ўз ҳиссангизни қўшишингиз зарур. Илм-фанни тараққий эттирмай туриб мустақилликни мустаҳкамлаб бўлмайди. Ўзбекистон илм-фани қандай ривожланиши зарурлигини белгилаб олишимиз ғоят муҳим аҳамиятга эга деб ўйлайман.

И. А. Каримов учрашув қатнашчилари эътиборини ҳозирги иқтисодий танглик шароитида республика Фанлар академиясининг, унинг олимларининг ишлаб чиқаришдаги ролини оширишга қаратди, илмий мавзуларга оид режалар тузилиши лозимлиги ҳақидаги ўз фикрлари билан ўртоқлашди. Академия олимлари ёш кадрларни тайёрлаш ва уларни тарбиялаш билан яқиндан шуғулланишлари лозим. Аввало академиянинг мустаҳкам моддий-техника базасини яратиш, унинг мустақиллигини таъминлаш зарур, фанга бир жойдан раҳбарлик қилиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Учрашувда Ўзбекистон Фанлар академиясининг 50 йиллигини нишонлаш масаласига ҳам тўхтаб ўтилди. Юбилейда иштирок этиш учун суверен республикаларнинг олимлари билан бир қаторда чет мамлакатлар таниқли олимларини ҳам таклиф этиш тўғрисида фикр билдирилди.

Ўзбекистон Президенти мустақиллик йўлида олимлар билан ҳамиша яқин алоқада ишлаш ниятида эканлигини, бу қийин ва масъулиятли, аммо қутлуғ ва шарафли йўлда уларнинг ёрдами ва маслаҳатларига таянишини айтди.

Учрашувда суверен республикалар ҳамда хорижий мамлакатлар билан иқтисодий ва маданий ҳамкорликни мустаҳкамлаш, аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоялашдек жуда муҳим масалалар ҳам тилга олинди. Фанимиз қадриятларини тиклаш, олимларнинг турмуш шароитларини яхшилашга эътибор қаратилди.

Республикада иқтисодий кенгаш тузиш зарурлиги, у мустақил ташкилот бўлиб қолиши кераклиги таъкидланди.

Айни вақтда ўлкамизда яшаётган турли миллат халқлари ўртасида тинчлик ва осойишталикни таъминлаш, дўстликни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, одамларни ягона мақсад сари бирлаштириш лозимлиги, фақат бирлашиш билан ҳақиқий мустақилликка эришиш мумкинлиги алоҳида уқтириб ўтилди. Республика фанини ривожлантириш ва минтақада барқарорликни таъминлашга доир бир қатор масалалар ўртага қўйилди, уларни ҳал қилиш билан боғлиқ қимматли фикрлар билдирилди.

Учрашувда сўзга чиққан олимлар Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг мустақиллик йўлида амалга ошираётган тўғри ва одил сиёсатини қизғин қўллаб-қувватлаётганликларини изҳор қилдилар.

И. А. Каримов олимларнинг кўпдан-кўп саволларига жавоб қайтарди.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Б. А. Назаров иштирок этди.

Т. БОТИРБЕКОВ,
ЎзТАГ мухбири.

* * *

Учрашув пайти.

Ф. ҚУРБОНБОЕВ олган сурат. (ЎзТАГ).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

ТЕРМИЗ ГАРНИЗОНИ БИР ГУРУҲ ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Намунали хизмати, қўшинларнинг жанговар ва маънавий тайёргарлигида эришган ютуқлари, ёшларни байналмилал руҳда ва ҳарбий тарбиялаш юзасидан маҳаллий аҳоли орасида фаол иш олиб борганлиги учун қуйидагилар **Ўзбекистон Республикаси фахрий ёрлиғи** билан мукофотлансин:

Анюхин Николай Николаевич — катта прапорщик, взвод командири

Жабборбергенов Карматдин Тельманович — сержант, взвод командирининг ўринбосари

Дурнев Александр Яковлевич — офицер

Ермолов Евгений Михайлович — офицер

Железняк Владимир Эдуардович — сержант, бўлинма командири

Исломов Алишер Абдушукурович — офицер

Мардонов Улуғбек Рашидович — оддий аскар, ҳайдовчи

Мирзараимов Абдулазиз Неъмонжонович — оддий аскар, танк тўпининг мўлжалга олувчиси

Шодмонов Олимжон Баҳромович — сержант, тўп командири

Шокиржонов Игорь Ўрмонович — офицер

Шораҳматов Акмал Эрхимович — оддий аскар, танк механик-ҳайдовчиси

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1991 йил 4 декабрь.

Эшитмадим деманглар

РЕСПУБЛИКАДА

ТАРИХИЙ ҒАЛАБАГА БАҒИШЛАБ

● **Тошкентда совет қўшинларининг Москва остонасида қарши ҳужумга ўтган кунинг 50 йиллигига бағишлаб илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.** Республика «Билим» жамияти, Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи, уруш ва меҳнат фахрийлари республика кенгаши уни ташкил этишди.

Москва остоналарида эришилган ғалаба Улуғ Ватан урушида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Туркистонлик жангчилар ҳам бу ғалабага муносиб ҳисса қўшдилар. Анжуманда сўзга чиққан олимлар, уруш фахрийлари ва саркардалар шуни алоҳида таъкидлашди.

Анжуман иштирокчилари 29 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ва Ўзбекистон республикаси референдуми ўтказилиши муносабати билан президентликка номзод И. А. Каримов учун овоз беришга қарор қилдилар.

КУЗГИ ҒАЛЛАЗОРЛАР

● **Сурхондарё вилоятининг Шўрчи райони деҳқонлари кузги ғалла экишни ўз вақтида тугалладилар.**

Бу йил 2,5 минг гектарга яқин ерларга бошоқли экинлар уруғи сепилди. Демак, аҳолини ун билан таъминлаш йўлида қутлуғ қадам қўйилди.

МАМЛАКАТДА

ДЕПУТАТЛАР ФИКРИ

● **СССР Олий Кенгашининг Иттифоқ Кенгаши мустақил давлатлар Иттифоқи тўғрисидаги шартнома лойиҳасини маъқуллади.**

Муҳим сиёсий ҳужжат теварагида Иттифоқ Кенгашида қизғин мунозаралар бўлди. Депутатларнинг фикрича, шартнома мамлакатни узил-кесил барбод бўлишдан сақлаб қола оладиган, бирлаштирувчи кучга эга бўлган бирдан-бир ҳужжатдир.

Палата раиси Константин Лубенченко ҳам сўзга чиқиб, янги Иттифоқ шартномасининг ўрнини боса оладиган бошқа ҳеч қандай ҳужжат йўқлигини таъкидлади.

Депутатлар лойиҳани маъқуллаб, унинг матнига бир неча тузатишлар киритишди. Айни чоғда бир қанча тавсиялар қабул қилинди. Улар мустақил давлатларнинг парламентларига, шунингдек бевосита шартнома лойиҳасини тайёрловчи комиссияга юборилади.

ҚИРҒИЗИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЯНГИ ФАРМОНЛАРИ

● **Қирғизистон Республикасининг Президенти Аскар Акаев республика аҳолисини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга қаратилган бир қанча фармонлар чиқарди.**

«Меҳнатга ҳақ тўлаш соҳасида ишчи ва хизматчиларга ижтимоий мададни кучайтириш тадбирлари тўғрисида»ги фармонга биноан 1992 йил 1 январдан бошлаб халқ таълими, соғлиқни сақлаш, маданият, фан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ва бюджетдан таъминланадиган бошқа ташкилотлар ходимларининг иш ҳақи 40 фоиз оширилади.

1 январдан бошлаб меҳнаткашларнинг барча тоифалари учун иш ҳақининг энг оз миқдори 180 сўм қилиб белгиланди. Меҳнатга ҳақ тўлаш ва истеъмолга ишлатиладиган маблағларнинг ўсиши борасидаги ҳамма чеклашлар бекор қилинади.

ЯНГИ ТАНГА

● **СССР Давлат банки Москва яқинида немис-фашист қўшинлари тор-мор этилган кунинг 50 йиллигига атаб 3 сўмлик эсдалик тангани муомалага чиқарди.**

ХОРИЖДА

БОЛТИҚБЎЙИ РЕСПУБЛИКАЛАРИ ФИФА АЪЗОСИ

● **Жаҳон футбол уюшмасининг бош котиби Иозеф Блаттернинг баёнотига кўра** Латвия, Литва ва Эстония терма командалари 1994 йили ўтказиладиган жаҳон биринчилигининг саралаш ўйинларида иштирок этишади.

МАО ЦЗЭДУНГА ҲАЙКАЛ

● **Хитойда ҳозир яшаб турган, шунингдек вафот этган сиёсий раҳбарлар орасида Мао Цзэдун шуҳрати энг юқори даражада турибди.**

Собиқ раис туғилиб ўсган Хунани вилоятидаги давлат корхоналари вакиллари, шунингдек 500 га яқин ишбилармон унинг бронза ҳайкалини тиклаш учун жамғарма ташкил этишга қарор қилишган. Франс Пресс агентлигининг хабарига кўра ҳайкал қуришга тахминан 3,8 миллион доллар миқдорида пул тўплаш режалаштирилган. Ҳайкалда собиқ раиснинг қомати тўла гавдаланади, у Мао Цзэдун туғилган кунинг 100 йиллигида барпо этилади.



Наманган вилояти тиббиётчилари эл саломатлиги йўлида тинмай изланишда. Вилоят шифохоналарида малакали ўз касбининг жонкуярлари кўпчиликни ташкил этади. Ана шундай иқтидорли тиббиётчилардан бири вилоят марказий шифохонасининг ЛОР (томоқ, бурун, қулоқ) касалликлари бўлими ҳамшираси Мавлудахон Абдужалилова-дир. У саккиз йилдирки тиббий жамоа аъзолари ва беморлар ҳурмат эътиборини қозониб ишлаб келяпти.

Суратда: илғор тиббиётчи М. Абдужалилова.

П. АКБАРОВ олган сурат.

● Москвада меҳнат биржаси маркази ташкил этилди.

Суратда: Красногвардейск меҳнат биржасида навбат кутиш пайти.

САМАРҚАНДДА КУРГАЗМА

● **Ўзбекистон тарихи ва санъати давлат музейи залларидан бирида Корея Халқ Демократик Республикаси усталарининг асарлари қўйилган кўргазма очилди.**

Миллий услубда яратилган бўёқда чизилган манзарали расмлар, похолдан тўқилган маҳсулотлар, ёрмадўзлик буюмлари киши диққатини ўзига тортади.

Самарқанддаги хорижий мамлакатлар билан ташқи иқтисодий алоқалар уюшмаси, «Феникс» фирмаси ҳамда КХДРнинг «Ранрадо» савдо жамияти кўргазмани ташкил этишда жонбозлик кўрсатишди.

БЕПУЛ БЕРИЛАДИ

● **Ургутда ишга туширилган ғишт заводида йилига 15 миллион дона пишиқ ва хом ғишт тайёрланади.**

Янка тартибда уй-жой қураётганлар учун ғиштни пешма-пеш етказиб бериш корхона меҳнатчиларининг асосий мақсадига айланди.

Меҳнат жамоаси ҳайрия тадбирларини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилди. Шунга кўра дастлабки 100 минг дона ғишт уруш ва меҳнат фахрийларига, кам таъминотли оила аъзоларига бепул берилади.

ҲУЖЖАТЛАР ИМЗОЛАНДИ

● **Иқтисодий ҳамжамиятга аъзо бўлган давлатлар ҳукуматлари бошлиқлари кенгашининг Москвадаги мажлисида ҳужжатлар имзоланди.**

СССРнинг ташқи давлат қарзи хусусидаги ҳуқуқий ворислик ҳақидаги шартнома билан СССРнинг қарзини ажнабий валюта билан тўлаш ва тартибга солиш тўғрисидаги битимни Россия, Украина, Тожикистон, Қирғизистон, Арманистон ва Қозоғистоннинг мухтор вакиллари имзоладилар.

Шартномада, жумладан, собиқ Иттифоқ аъзоларининг умумий қарз ва сармоя миқдоридаги улушлари белгиланган. Энг катта улушлар Россияга — 61,34 фоиз, Украинага — 16,37, Белоруссияга — 4,13, Қозоғистонга — 3,86 фоиз тегишлидир.

Собиқ 15 та иттифоқдош республика учун шундай ҳисоб-китоб қилиб чиқилди.

Суратда: Германия канцлери Гельмут Коль ва унинг рафиқаси Ханнелоре Австриядаги гўзал тоғ ёнбағирларида дам олаётган пайтлари тасвирланган.

● (Ахборотларни тайёрлашда ТАСС, ЎзТАГ ва марказий рўзномаларнинг хабарларидан ҳамда ТАСС олган суратлардан фойдаланилди).

29 декабрь—Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ва Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказиш куни

СУРХОНДАРЁ ДИЁРИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов Сурхондарёга келди. У тайёрагоҳдан тўғри далага одамлар ҳузурига йўл олди. Меҳмон келишини кутмаганмикан, Термиз районидаги «Дўстлик» жамоа хўжалигининг сабзавотчилик бригадаси бошлиғи Давлат Жумаев сабзи қазишдан лой бўлган қўлларини ювишга улгурмасдан меҳмонга пешвоз чиқди. Каримов бригадирни қўлтиқлаб олди. Гапни унинг фарзандлари соғлигини суриштиришдан бошлади. Ойлик маоши қанчалигини сўради. Уруғни экишдан ҳосилни сотишгача бўладиган юмушлар хусусида ярим соатча баҳслашдилар.

Каттақўм деб аталувчи Учқизил дашти узра чўзилган қумликдан ўтган йўл четидаги учрашувда эса кекса боғбон Тўрақул бобо Дўсалов Каримовга, пойи қадамингиз ҳосиятидан шу, қумда дарахтлар ўссин деб унга бир жуфт кўчат ўтказишни таклиф қилди ва «Биз Ўзбекистон дегувчи катта кемаларнинг дарғалигига Сизни сайлаймиз», деди.

И. Каримов Амударё соҳилидаги Алҳаким Термизий мақбарасини зиёрат қилди.

И. Каримов билан учрашув тайинланган катта залда ўринлар етмай қолди. Президентликка номзоднинг Сурхондарё вилоятидаги ишончли вакили Термиз шаҳар Кенгашининг раиси М. Холбоев, Ангор районидаги «Таллимарон» давлат хўжалигининг директори Р. Эшбоев, вилоят касаба уюшмаси раиси Х. Шарофиддинов, талаба У. Бобомуҳамедова, сариосиёлик колхозчи Қ. Саидов ва бошқалар ҳозир бўлганларни 29 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президентлигига энг муносиб номзод И. Каримовга овоз беришга чорлаб гапирдилар.

Ўртоқ И. Каримовнинг Президентлик фаолияти тўғрисидаги ҳисоботидан мустақил Ўзбекистон Республикасини бугунги танг аҳволдан олиб чиқиш, халқ турмуш фаровонлигини яхшилаш учун нима ишлар қилиш лозимлиги тўғрисидаги фикрларидан хусусан Ўзбекистоннинг жанубидаги чет элга чиқадиган дарвозаси — Сурхон воҳасининг бугунги муаммоларини ҳал қилиш учун нималарга эътибор бериш ҳақидаги мулоҳазаларидан йиғилганлар алоҳида қаноат ҳосил қилдилар.

О. УСАНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ВОДИЙДАГИ УЧРАШУВЛАР

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши биринчи котиби М. Расулов шу кунларда Фарғона вилоятида бўлди. У Қўқон пайпоқ тўқиш ва Қувасой мебель фабрикалари меҳнат жамоалари ишчи-хизматчилари ҳамда вилоятдаги район партия кенгашлари биринчи котиблари билан учрашди.

М. Расулов ушбу учрашувларда Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг республика Президентлигига ўтказиладиган сайловолди сиёсати ва фаолияти билан батафсил таништирди. Ҳозирги мураккаб даврда Ўзбекистон Республикаси Президентининг биринчи умумхалқ сайловларида фаол қатнашиш Ўзбекистон Халқ демократик партияси барча тузилмалари, ҳар бир партия аъзосининг бурчи эканлигини таъкидлади. Республиканинг бошқа вилоятлари партия ташкилотларининг сайловолди ташвиқотчилик фаолияти ҳақида сўзлаб берди. Барча партия аъзоларига, бошланғич, район, шаҳар ташкилотларига сайловолди кампанияси даврида партиянинг дастурий мақсадлари ва сиёсатини кенг халқ оммасига тушунтиришда тарғиботчилар гуруҳларининг фаолиятидан самарали фойдаланишни тавсия этди.

Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод, Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг раиси И. А. Каримовнинг ижтимоий-сиёсий фаолияти ва халқ манфаатларини кўзлаб қилаётган амалий ишларини рўй-рост ёритиб бериш мақсадга мувофиқдир.

Учрашувларда бўлажак референдумда партия аъзоларининг, ҳар бир фуқаронинг фаол қатнашиши келгусида Ўзбекистонда чинакам демократик давлат тузумини ташкил этиш ҳамда республикада яшайдиган ҳар бир инсон учун муносиб ҳаёт тарзи яратиш билан чамбарчас боғлиқ эканлиги ҳақида сўз юритилди.

Шу билан бирга М. Расулов йиғилганларга мустақил Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш истиқболлари йўлида Ўзбекистон Халқ демократик партияси Таъсис қурултойида қабул қилинган дастлабки қарорларнинг бажарилиши ва Марказий Кенгаш Сиёсий Ижроия Қўмитасининг фаолияти тўғрисида ҳам қисқача ахборот берди.

Сафарда М. Расуловга Ўзбекистон Халқ демократик партияси Фарғона вилоят кенгашининг биринчи котиби А. С. Эргашев ҳамроҳлик қилди.

ОЛДИН ИҚТИСОД...

ИШЛАР ЎНГЛАНИБ КЕТАДИ

ЁКИ САВДОДАГИ ТАҚЧИЛЛИКЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ ХУСУСИДА

Ҳозирги иқтисодий танглиқда биринчи навбатда аҳолининг турмуш кечириши қийинлашиб бораяпти. Пештахталар ҳувиллаган, пули бор одам эса мол тополмайди ёки аксинча. Бунинг устига ҳамма жойда нарх-наво ошармиш деган миш-мишлар. Бундан буёнги рўзғор нима бўлади! Ҳаёт қандай кечади. Ана шу муаммолардан келиб чиқиб мухбиримиз Ўзбекистон Республикаси савдо вазири Мираброр Усмонов қузурида бўлди.

— Мираброр Зуфарович, кейинги кунларда вазирлик ўз йўли билан аҳолини турли маҳсулот ва моллар билан баҳоли қудрат таъминлаш борасида қандай зарур чора-тадбирларни кўряпти.

—Сиз айтмоқчи бўлган гапларни яхши тушуниб турибман. Чиндан ҳам аҳвол анча мушкул. Куни кеча вазирликнинг бўлиб ўтган коллегия йиғилишида аҳолига савдо хизмати кўрсатишга доир жуда кўп масалалар муҳокама қилинди. Унда бир қатор йирик савдо ташкилотлари раҳбарлари ва мутахассислари қатнашдилар. Қизғин баҳс борди. Очиқ-ойдин гаплашилди. Яқин орада самара бериши лозим бўлган тадбирлар қизғин муҳокама қилинди ва уларни амалга ошириш чоралари ҳам кўриляпти.

Мисолларга мурожаат қилсак. Аҳолининг нон маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш масаласини олиб кўрайлик. Илгари биргина Тошкент шаҳрида кунига 340-350 тонна нон сотилган бўлса, бу кўрсаткич шу кунларда 650-700 тоннага боряпти. Маҳсулот тайёрлаш ва уни сотиш икки баравар кўпайган. Жаҳонга донғи кетган Москва шаҳрида бир буханка нон 3 сўмдан пулланаётган бир пайтда бизнинг Ўзбекистонда нон маҳсулотларининг нархи аввалгидек бир маромда сақланмоқда. Республика Доқ маҳсулотлари ва транспорт вазирликлари билан келишилган ҳолда қиш фаслида аҳолини нон билан таъминлаш маромини бирор кун ҳам узилмайди. Ўзбекистон ҳукуматининг шу йил бошида чиқарган қарори асосида аҳолига ун, бир хил озиқ-овқат маҳсулотларини талон асосида етказиб бериш йўлга қўйилган эди. Бу ишда айрим жойларда узилишлар содир бўлаётган экан бунга ўша жойлардаги дўконлар ва транспорт корхоналари ходимлари айбдордирлар. Талон бўйича озиқ-овқат маҳсулоти етказиб беришда ҳозирга келиб ун ва шакар тақчиллиги кўриниб қолди. Бунга сабаб Украина тўртинчи квартал учун бизга ваъда қилган 113 минг тонна шакарни юбормади. Бунинг ўрнини тўлдиришда Республика ҳукумати шошилинч чоралар кўрди. Пахта ва карбомид эвазига хорижий эллардан буғдой ва шакар ташиб келтириляпти.

(Давоми иккинчи бетда).

29 декабрь—Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ва Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказиш куни

ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ОВОЗ—ХАЛҚНИКИ!

МУШТАРАКЛИК

Ўзбекистон Президентлигига сайловга тайёргарликнинг бориши билан танишиш мақсадида Янгибозор районидаги Бўзқалъа қишлоғига боргандим. Хўжалик раҳбарлари, мутахассислар, деҳқон ва чорвадорлар билан бўлган суҳбатларда кўпчиликдан ягона бир фикрни эшитдим. Ҳамма бир овоздан 29 декабрда бўладиган сайловда Ўзбекистон Президентлигига И. А. Каримовнинг номзоди учун овоз берамиз, деб айтдилар. Бундай якдилликнинг сабаби бор албатта...

Юмушлар бўладики, унинг ҳал этилиши бир киши ё бир жамоанинггина эмас, балки бутун халқларнинг эзгу ниятига дахлдор бўлади. Оролбўйи атроф-муҳитини соғломлаштириш ҳам ана шундай муштарак — сиз билан бизга алоқадор катта иш.

Бу вазифанинг рўёбга чиқиши қорақалпоқ халқининггина эмас, бутун Ўзбекистон учун ҳам бирдек аҳамиятга эга. Оролнинг қуриши ва шунга боғлиқ тарзда атроф-муҳитнинг ёмонлашуви катта дардга айланди. Бу дард жароҳатларини даволаш кўпчиликнинг ишига айланди.

Орол дардини даволашни энди кўплашибгина ҳал этиш мумкин. Ана шу муаммони ҳал этишда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати, биринчи навбатда унинг Президенти Ислом Каримовнинг ғайрат-ҳаракатларини кўриб турибмиз. Қорақалпоғистон республикасидаги қурилиш ташкилотлари орасида энг йириги бўлмиш бизнинг ихтисослашган қурилиш бирлашмамиз ишчилари ва мутахассислари ҳам Ўзбекистон Президенти ким бўлиши ҳақида чуқур мулоҳаза билдирмоқдалар. Ўзбек ва қорақалпоқ халқлари орасидаги дўстлик, ўзаро ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлашда жонбозлик кўрсатаётган Ислом Каримов Ўзбекистон Президентлигига муносиб номзод деб ҳисоблаймиз.

Бу — бир менинг фикрим эмас, балки кўп минг кишилик бирлашмамиз жамоасининг якдиллик билан изҳор қилаётган орзу-умиди.

Бирлашмамиз жамоаси кейинги вақтда анчагина бунёдкорлик ишларини амалга оширди. Амударё ўнг қирғоғидаги вилоятлараро магистрал коллектор қурилишини тезлаштиришга муносиб ҳисса қўшиш эзгу аҳдимиз бўлиб қолди. Капитал маблағ ва моддий ресурслар билан таъминланиб турсак, бу муҳим вазифа муваффақиятли ҳал қилинади.

Каримбой САФАРОВ,
«Аралводстрой» ихтисослашган қурилиш бирлашмаси сув хўжалиги қурилиш бўлими мудири.

ТАЯНЧ НУҚТАЛАРИ

Бўзқалъаликларнинг ажиб бир ҳислати бор. Изланувчан, янгиликни ҳис этабиладиган ва энг муҳими уларни дадиллик билан ҳаётга жорий қилишга киришадиган одамлар. Республикада биринчилардан бўлиб оилавий пудрат, фермер хўжалиги, ижара усулида иш бошлаганликлари ҳам ана шундан. 1989 йилнинг кўламида эса бу ерда яна бир ҳайрли ишга қўл урилди. Қишлоқ кенгаши ва «Ленинизм» жамоа хўжалиги бошқаруви қарорига биноан элликка яқин пудратчининг ҳар бирига пахта майдонлари ёнидан 10 сотихдан қўшимча ер ажратиб берилди. Улар бу ерда ўз хоҳишлари бўйича полиз ёки сабзавот маҳсулотлари етиштиришлари ва уни ўз ихтиёрларига қараб тасарруф этишлари мумкин эди.

Аслини олганда ўша давр шароитида бу катта жасорат бўлди. Чунки бундай «эркинлик» на Иттифоқ ва на республика қонун-қоидаларига мос келарди. Яъни ҳуқуқшунослар тили билан изоҳланганда бу «ўзбошимчалик» амалдаги жиноят кодексининг ерларни талонторож қилиш моддасига бориб тақалар эди. Ҳайриятки ўша пайтда янги давр шамоли эсиб қолган, чириб бораётган эски қонунларнинг кучи бунга тўсқинлик қилолмасди. Деҳқонлар ва хўжалик эса ёзга бориб бу тажрибадан манфаат кўрабошлашди. Кишилар энди пиёз, помидор ёки сабзавот деб район бозорига бориб кун ўтказишмас, ана шу маҳсулотларни қўшимча ердан олишарди. Деҳқоннинг тўқ бўлгани — хўжаликнинг бойигани.

Ўша йили август ойида хўжаликка республика раҳбари И. А. Каримов ташриф буюрди. Қўшимча ер олган деҳқонлар билан учрашди, суҳбатлашди. Қишлоқ Кенгаши ва хўжалик бошқарувининг ташаббусини қўллаб-қувватлаган ҳолда тез орада уларнинг жонига ора кирадиган, оилавий фаровонлигини таъминлайдиган томорқаларни кенгайтириш ҳақидаги қарорлар чиқишини билдирди. Уларнинг ишларига барор тилади.

Орадан кўп ўтмай матбуотда бу қарор эълон қилинди. Унда қишлоқ аҳолисининг кўнглида 70 йилдан буён армон бўлиб келаётган барча тилаклар вожиб этилган эди. Ҳар бир деҳқон томорқасининг 25 сотихгача кенгайтирилиши, уй-жой қуриш учун ҳаммага ер ажратилиши бутун республика ҳаётида муҳим воқеа бўлди.

— Рости, авваллари куз келиши билан юракларимиз зирқираб турарди, — дейди хўжалик раиси Хўжамурод Сафарниёзов. — Чунки худди ана шундай кезларда деҳқонлар оила қуриб рўзғорини бошқа қилмоқчи бўлган фарзандлари учун томорқа ва уй қуриш учун бир парча ер сўраб келишаверарди-да. Қани энди уларга ёрдам беришнинг иложи бўлса. Бошқарувнинг қўлоёғи сон мингта кўрсатма, қоида, тавсия, қонунлар билан чирмаб ташланганди. Аммо аҳолига ҳам ғоят қийин эди. Баъзи ҳовлиларда уч-тўрт оила яшарди... Бир сўз билан айтганда Ислом Абдуғаниевичнинг ташаббуси билан қишлоқларда яшовчи ҳар бир оиланинг томорқа билан таъминланиши вақтида қилинган катта иш бўлди. Фақат хўжалигимизнинг ўзида 876 оила томорқа ва уй-жой қуриш учун ер олди.

Хўш, хўжалик аҳолиси кўрган манфаат қандай натижалар беряпти? Энг асосийси ҳамма томорқали бўлди. Келгусида оила қурадиганлар учун ҳам бу соҳада йўллар очиқ. Шу билан бирга бўзқалъаликларнинг аксарияти ҳозирги пайтда мева, полиз, сабзавот маҳсулотлари учун бозорга тушиб юришмайди. Балки уни ўз томорқаларида етиштиришади. Худди шу икки масаланинг ижобий ҳал этилиши қишлоқда тобора ўткирлашиб бораётган ижтимоий-сиёсий вазиятни кескин юмшатди. Агар аввалги аҳвол бўлганда, билмадик, танқислик ва қимматчилик кучайган ҳозирги шароитда деҳқон қандай кун кечирарди? Иккинчидан аҳоли қўлидаги моллар сони кўпайди. Масалан, хўжалик оилаларида бундан икки йил муқаддам 2,5 минг бош атрофида қорамол бор эди. Айни кунда уларнинг сони 5 мингдан ошди. Бу — хўжаликда истиқомат қилаётган ҳар бир кишига биттадан мол тўғри келади дегани.

— Биз ҳам Президентнинг ғамхўрлигидан мамнунмиз, — дейди бўрдоқичилик фермаси мудири Раҳим Ҳайитбоев. — 1988 йил бошида зарар бериб келаётган фермани ижарага олгандик. Бир йилдан кейин у фойда бера бошлади. Худди шу кезда Ислом Абдуғаниевич бизнинг ишимиз билан танишиб фойдали маслаҳатлар берди. Уларни амалга ошира бориб, яхши натижаларга эришаяпмиз. Ҳар йили 50 тоннадан ортиқ гўшт етиштираяпмиз. Умуман олганда Президентнинг фермонлари туфайли яратиб берилаётган шароит ва ғамхўрликлардан фермер ва ижарачилар миннатдор. Шу боис биз у кишини Президентликка энг муносиб номзод деб биламиз. Сайлов куни И. А. Каримов учун овоз берамиз.

Хўжалик деҳқонлари учун бу йилги кўклам ниҳоятда оғир келди. Устма-уст ёққан ёмғир, сел ва дўл туфайли экинлар қайта-қайта экилди. Айниқса, энг охирги ёғингарчилик ҳаммасидан ҳам ошиб тушди. Шундан сўнг хўжаликда пахта майдонларининг 70 фоизи, яъни 740 гектарида чигитни бутунлай қайта экишга мажбур бўлинди. Янгибозор районининг бошқа хўжаликларида ҳам худди шундай аҳвол содир бўлди.

— Ана шу оғир кунларда Ислом Абдуғаниевич яна Хоразмга келди, — дейди Х. Сафарниёзов. — У пахтакорларнинг кўнглини сўраб далда берди. Моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилди. Бундан рухланган деҳқонларимиз матонат билан меҳнат қилишди. Бироқ ҳосил кечки бўлди. Режани бажараолмаган бўлсакда, ҳосилни охирги миқолигача йиғиб-териб олдик. Кўрилган талофатларни жумҳуриятимиз ҳукумати тўла қоплашига аминмиз. Бу ҳақда Президентимизнинг ўзи ваъда берган эди-да.

Бўзқалъаликларнинг сўзи билан иши бир. Меҳнаткаш ва янгиликка интилувчан кишилар. Шу боис шундай фазилатли кишиларни ҳурмат қилишади, ишонишади. Хўжалик аҳолиси Президентликка номзод сифатида И. А. Каримовни астойдил қўллаб-қувватлаётганликлари ҳам ана шундан. Негаки, И. Каримов ўзининг амалий, дадил ишлари билан уларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволини яхшилаяпти, муҳофаза қиляпти. Республиканинг мустақиллиги тўғрисида чинакамига жон куйдиряпти. Аслини олганда бўзқалъаликлар ишончининг таянч нуқталари ҳам ана шунда. У тобора мустаҳкамланиб боряпти.

А. ҚОРЖОВОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАДИЛАР

Тошкент доришунослик олий билимгоҳи профессор, ўқитувчилари ва толиблари иштирокида митинг бўлиб ўтди. Олимлар ва бўлажак доришунослар И. А. Каримовнинг номзодини Ўзбекистон Президентлигига кўрсатиш тўғрисидаги республика ХДП Марказий Кенгаши пленуми қарорини бир овоздан маъқуллашдилар. Сўзга чиққан нотиқлар И. А. Каримовнинг Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлида олиб бораётган самарали ишлари тўғрисида алоҳида тўхталиб, унинг Ўзбекистон Президентлигига муносиб номзод эканлигини таъкидладилар. Митинг қатнашчилари олийгоҳ жамоасининг 29 декабрда бўладиган сайловда И. А. Каримов номзоди учун овоз беришга чақирдилар.

Х. ТЎХТАЕВ,

ҒАЗАЛКЕНТ. (Жамоатчи мухбиримиз **М. Шоёқубова** сим орқали хабар қилади), Бўстонлиқ районидаги «Дўстлик» давлат хўжалигида 29 декабрда бўладиган сайловлар олдидан йиғилиш бўлиб ўтди. Совхоз директори Норпўлат Шерпўлатов Президентликка номзод И. А. Каримовнинг деҳқонлар учун қилаётган беқиёс ғамхўрликлари ҳақида тўхталди.

— Биз Президентимиз И. А. Каримовнинг қишлоқ меҳнатчилари учун чиқараётган Фармонларидан беҳад миннатдормиз, — деди у. — Ҳар биримиз ана шу Фармонларнинг ижроси учун масъул бўлишимиз керак. Афсуски, айрим жойларда Фармон етарли бажарилмаяпти. 29 декабрда бўладиган Президентлик сайловида биз И. А. Каримов номзодини бир овоздан қўллаб-қувватлаймиз.

Йиғилишда сўз олган совхоз механизатори П. Норметов, меҳнат фахрийси В. Содиқов, болалар боғчаси мудираси М. Альмедова, 23-мактаб директори Т. Ниёзбобоев ва бошқалар ҳам И. А. Каримов номзоди учун овоз беришларини таъкидладилар.

Ғазалкент шаҳридаги кўпгина саноат корхоналари ишчилари ҳам ўзларининг йиғилишига тўпландилар. Уни Халқ Демократик партияси Бўстонлиқ район кенгаши биринчи котиби Р. Маҳаметов очди. Йиғилишда маҳалла қўмитаси раиси Қ. Худойберганов, Абай номли 1-мактаб директори У. Умарова, район ижтимоий-таъминот бўлими партия ташкилотининг котиби Н. Николаева ва бошқалар ҳам Президентлик сайловида ҳам Халқ демократик партиясининг раиси И. А. Каримов учун овоз беришга чақирдилар.

Бундай йиғилишлар «Бурчмулла» олмос заводи жамоасида ҳам бўлиб ўтди. Кунигеча район меҳнаткашлари ўзларининг анъанавий қурултойига тўпландилар. Қишлоқ меҳнатчилари И. А. Каримов номзодини қўллаб-қувватладилар.

ИШЛАР ЎНГЛАНИБ КЕТАДИ

(Давоми. Бошн биринчи бетда).

— Хорижий мамлакатлар билан савдо қилишга узилкесил ўтилдими ёки йўқми?

— Биз биринчи марта Москвани ўртага аралаштирмаган ҳолда жаҳон миқёсида савдо қилишга узилкесил ўтдик, десак ҳам бўлади. Англия, Австрия, Швеция, Олмония, Хитой, Ҳиндистон, Эрон, Покистон, Въетнам каби мамлакатлардаги фирмалар билан 1992 йил учун қулай шартномалар туздик. Бу ҳужжатлардаги умумий олдисотдининг ҳажми 400 миллион хорижий валюта миқдорида ҳисобланмоқда. Улар асосан озиқ-овқат, рўзғор буюмлари, кийим-кечаклардир.

— Кейинги кунларда пештахталар жуда ҳам ҳувиллаб қолганлигига нима дейиш мумкин?

— Ўзингиз кўриб турибсиз, ҳар хил миш-мишлар юрибди. Украина пул чиқаряпти, Ельцин нарх-навони уч-беш баробар ошқирмоқчи, деган гаплар ҳар бир одамни ҳам бефарқ қўймайди. Шунинг учун ҳам қўлида пули бор кишилар уни дарҳол молга чақишяпти. Октябрь-ноябрь ойларида савдо режаси ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 196 фоиз адо этилди. Саноат эса ўз топшириғини аранг 100 фоиз бажаряпти. Рақамлар бирбирига монанд келмайди, деган савол туғилиши табиий. Биз худди шу пайтда ана шундай танқислик юз беришини олдиндан сезиб, ўтган йилнинг ўзидаёқ омборларга кўп миқдорда саноат моллларини жамғарган эдик. Ана ўша моллар ҳозирда қўл келяпти ва буни аҳоли зудлик билан харид этяпти. Келгуси йилнинг бошларида ҳам кўплаб мол чиқарилади. Бунинг учун ҳамма чораларни кўрамиз.

— Ахир харидорлар савдо ходимларидан кўпинча мамнун эмас-ку?

— Тўғри, ишимизда камчиликлар кўп. Касбимизда уялтириб қўядиган мисоллар ҳам топилиб туради. Бунинг учун қаттиқ текширув олиб бориляпти. Ҳозиргача савдо қоидасини бузган ходимлардан 300 киши ишдан ҳайдалди ёки қаттиқ маъмурий жазоланди. Ахир харидор қўлида пул бўлиб, мол етишмагандан кейин шундай бўлиши табиий бир ҳол. Лекин ҳозир харидор сотувчига илтижо қиляпти. Мен шуни ишонтириб айтаманки, яқин ойлар ичида бунинг акси бўлади. Сотувчи харидорнинг орқасидан қувиб юрадиган вақт келади. Бунинг учун бизлар алмисоқдан қолиб келган улгуржи савдо идораларининг ҳаммасини батамом тугатяпмиз, уларнинг ўрнида акционерлик уюшмалари тузишга киришилган. Бу уюшмалар келгуси йилнинг биринчи ойиданоқ бошлайди. Масалан, Самарқанд шаҳрида фаолият бошлаган акционерлик уюшмаси ўз ташаббуси билан 23 миллион сўмлик молни қўлга киритди. Буни ишбилармонликнинг биринчи қадами дейиш мумкин. 7 минг савдо корхонаси хўжалик ҳисобида, яъни ижарада ишлашга ўтади. Ана ўшанда ҳар бир савдо жамоаси ўзи учун ўзи астойдил бел боғлаб ҳаракат қилади.

МУХБИР: Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, аҳолини озиқ-овқат ва кенг истеъмол моллари билан таъминлаш борасида ҳақиқатан аҳвол мушкул. Лекин яхшиланиш сари оз бўлса-да ҳаракат боряпти. Ишлар ўнгланиб кетишига асослар бор.

Абдулла ПЎЛАТОВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбири.

АҲОЛИ ЭҲТИЁЖЛАРИ АСОСИДА

Табиийки, қишлоқда яшаган оилалар янги қурилишлар ҳам қилишади. Ҳозирги шароитда бинокорлик материаллари топишнинг ўзи муаммо бўлиб турибди. Буни ҳисобга олган Эллиққалъа районидаги Калинин номли жамоа хўжалиги бошқаруви айрим тадбирларни амалга оширди.

— Дастлабки пишиқ ғишт ишлаб чиқариш цехи маҳсулот тайёрламоқда, — дейди жамоа хўжалиги раиси Қаландар оға Бойназаров. — Ҳозирнинг ўзидаёқ бу ерда тайёрланган пишиқ ғиштдан жамоа аъзолари янги уй-жой, ёрдамчи бинолар қуришда фойдалана бошладилар. Бугина эмас, ўз қишлоғимизда ишлаб чиқарилган бундай бинокорлик материали жамоа хўжалиги учун иморатлар барпо этишда ҳам асқотмоқда.

Жамоа хўжалигида ҳозир яна бир ғишт цехи қурилмоқда. У ҳар сменада 8000 дона пишиқ ғишт тайёрлаб берадиган бўлади.

Бугина эмас. Қишлоқ аҳолиси эҳтиёжларини ҳисобга олиб, бошқа кичик корхоналар ташкил этишга ҳам алоҳида аҳамият бериляпти. Ҳар сменада 2.000 банка мева-сабзавот консервалайдиган цех қуришга тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди. Кийим-кечак тикиш цехи қувватларини ошириш чоралари кўрилмоқда.

Келгуси йил бу ерда атлас тўқиш цехи ҳам фаолият кўрсатиши мўлжаллаб қўйилди. Шу мақсадда қишлоқ қизларидан бир гуруҳи тўқувчилик касбларини ўрганиш, атлас тўқиш технологиясини ўзлаштириш курсларига жалб этиляпти.

«Ўзбекистон овози» мухбири.



Самарқанд вилоятидаги Тойлоқ консерва заводида қиш фаслида истеъмолчиларга асқотадиган турли хил консерва маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Ҳозир биргина тузлаш цехида кунига 5-6 минг шартли банка сабзавот консервалари тайёрланиб, савдо шохобчаларига жўнатиляпти. Суратда: тузлаш цехи ишчиси Б. Элатов иш устида.

Ғ. АЛИЕВ олган сурат.

УЗЛУКСИЗ ЎҚИШЛАР

● УЛЬЯНОВ районидаги «Пахтакор» совхози ҳудудида жойлашган Фурқат номли 41-ўрта мактаб биноси яроқсиз ҳолатга келиб қолган эди. Бунинг устига синфхоналар етишмас, дарслар эса уч сменада олиб борилярди.

Маҳаллий нойибларнинг елиб-югуриши натижасида халқ депутатлари вилоят кенгаши узоқ йиллар давомида «туя гўшти еган» янги мактаб қурилишига давлат бюджетидан алоҳида маблағ ажратди. Натижада қурилиш-монтаж ишлари юришиб кетди. «2-Агрострой» трестининг Шавкат Носиров бошлиқ 243-механизациялашган кўчма колоннаси бунёдкорлари 834 ўринли мактаб биносини тез ва сифатли қуриб битказдилар.

Айни пайтда Фазли қишлоқлик 640 нафар ўғил-қиз кенг ва ёруғ қулай синфхоналарда таълим олишга киришди. Уларга 50 га яқин олий маълумотли муаллим таълим-тарбия бераётир. Бир сменали ўқиш йўлга қўйилди.

М. КАРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

КУЧ—БИРЛИКДА

Илгарилари кўча-куйларда қиз бола билан ўғил боланинг қучоқлашиб, ўпишиб турганини кўрганмисиз? Йўқ, албатта! Ҳозирда бу оддий бир ҳол бўлиб қолди. Қари отахону онахонлардан уялиш йўқолди. Автобусларга чиқсанг тиззасидан юқориси очиқ қизларга қараб кўзингни юмиб оласан, киши...

Уятини йўқотган одам бошқа ёмон ишларга ҳам қўл уришдан тоймас экан. Бир куни автобусда ана шундай хаёсини йўқотган ўн етти-ўн саккиз ёшлардаги қизалоқнинг бир аёл сумкасини титкилаб, нимадир ўғирлаётганини кўриб қолдим. Ёнимдаги шеригимни туртиб, ўша ёққа имо-ишора қилгандим, у кўриб, кўрмасликка олди ва мени ҳам жим бўлишга чақирди. Ўғрилар ишини бажариб, тушиб кетишгандан кейингина шеригимга «жон» кирди.

— Эй, отахон-е бунақа ишларга аралашиб нима қиласиз-а? — деди у. — Ўзингизни ўйланг, ўзингизни...

Бу воқеа ҳақида кимга айтмай «аралашмай яхши қилибсиз» дейишарди. «Тағин бир кори-ҳол рўй бериб ўтирмасин, ёмонларнинг қўлидан ҳар нарса келади-я» деб менга таскин беришарди.

Очиғини айтганда мен бу фикрга қўшилмайман. Агар ҳаммамиз фақат ўзимиз ҳақимизда ўйласак, биз ҳақимизда ким ўйлайди? Агар ўша автобусдаги жамики йўловчилар биргалашиб ўша безорига зарба беришганда борми иккинчи у бундай ишга ўйлаб қўл урарди. Ахир кўпдан қуён қочиб қутулмас дейдилар. Бу дарё шалолалари йўл-йўлда учраган жамики ҳасчўпларни оқизиб кетганидек, бирлашган яхши одамлар айрим кимсалардаги ёмон қусурларни йўқотишга даъват этиш кучига эгадирлар. Мустақил ўлкамизни фақат ва фақат яхши ниятли, пок қалбли, имони кучли одамлар билангина сақлаб қоламиз, камолга етказамиз. Хаёсизга ҳам, ўғрию муттаҳамга ҳам, одобсизга ҳам кўрган жойимизда бир ёқадан бош чиқамизни обод эта оламиз. Жамиятимиз орасида бузғунлар, ароқхўрлар, фоҳишалар, ўғри-ю муттаҳамлар, қиморвозлар бор экан хотиржам яшай олмаймиз.

Чақалоғини тақдир ҳукмига улоқтириб, ўзини уятдан қутқаришга ошиққан беандиша аёлларни, ҳаёти, туриш-турмушини текин даромадга қурган текинтомоқларни, ичкиликримизни оммалаштириб, эзгу ишларимизга хизмат эттиради. Биз хотин-қизлар, оналарга кўп нарса боғлиқ эканини жуда яхши ҳис этиб турибмиз. Соғлом, ақли теран, ҳаёли, миллатпарвар, шу билан бирга бошқа миллат халқларини ҳурмат қиладиган фарзандларни биз оналар камолга етказамиз. Эл-юрт фаровонлиги биздан энг аввало ана шундай бўлишни сўрайди. Муҳтарам онахонлар, азиз дугоналар сизларни ана шундай камоли инсонлар вояга етказишингизга умидвормиз.

Наманган районидаги Ирвадан қишлоғи бир гуруҳ хотин-қизлар жамоаси. Жами 65 имзо.

ИНСОН ОДОБИ БИЛАН...

ПОКИЗА ТУЙҒУЛАР

Муштарийларимиз хатларидан

МАСЪУЛИЯТ ҲИССИ

Республикамиз мустақил деб эълон қилиниши муносабати билан «Ўзбекистон овози»га, яъни ўз овозимизга эга бўлганимиз билан фахрланамиз. Шу билан бирга қалбимизни ўртаб, кўнглимизни ғашлаб турган баъзи муаммоларни ҳал этмасак бўлмайдиган пайт келганини ҳам айтмоқчимиз. Негаки, биз имон-эътиқоди бутун, ўқимишли, маънавий баркамол, уят-иболи одамлар билангина ўлкариб, бир оғиздан танбеҳ берсак ўтиргани жой тополмай қолади. Ёмон одатларни кўпчилик бўлиб ана шу зайлда йўқотиб борайлик. Азизларим, мен сизни шунга чақираман.

А. ҲАИТОВ,
Оҳангарон районидаги қариялар уйи.

БУ ДУНЁНИНГ ГАШТИ

Онаизор тонг отишини фарзандининг ширин уйқусини кузатиш билан кутиб олди. Кейин нонушта тайёрлади. Бир тишлам нону, бир қултум чой ҳам томоғидан ўтмади. Фарзандини чорлади: «турақол, чирағим, бирга чой ичайлик» дея бошида парвона бўлди она. Фарзанд учун онанинг истагидан кўра уйқу ширинлик қилди...

Онанинг қўлида супирги, эгнида эса эски кўйлак, қачон ташвишли ҳаётга ғарқ яшаётгани билан ўзини бахтиёр санайди. Ҳа, ҳа бу кунга етгани билан фахрланади. Ҳар икки гапининг бирида кўрсатганинггга шукур дейди. Лекин ҳеч ким дунёга устун бўлолмаган. Ҳатто оналар ҳам. Вақти-соати келиб ана шу меҳрибон нигоҳлар бизни тарк этади. Биз оналардан жудо бўлгандагина қандай бойлигимизни йўқотганимизни сезамиз. Бошимизни тошларга уриб оҳ-дод соламиз. Эй сиз фарзандларим, онангизни у сизни ардоқлагандек ардоқлаб, унингдек куйиб-пишганингизда эҳтимол ҳозиргидан кўра узоқроқ яшармиди?! Не қилсангиз ҳам онангиз тириклигида қилинг. Қалбингизда армон қолмасин. Эй онаизорлар, сизларга ҳам айтар сўзимиз бор: Ўзингизни ҳаддан зиёд қойитманг, зўриқиш умрни қирқади, ўзингизни эҳтиёт қилсангиз ҳаммага яхши. Биринчи навбатда фарзандларингиз учун. Ҳаммамиз ҳам бу дунёнинг гашти болалар деб юрибмиз...

Муаззамхон ДАДАЖОН қизи.
Фарғона вилояти. Қува тумани.

ОБОД ХОНАДОН

«Ўзбекистон» колхозининг кекса механизатор Ботир Тожалиевникида бўлганимда у кишининг нақадар болажонлиги, фарзандларининг келажакда баркамол инсонлар бўлиб вояга етишишлари учун жон куйдираётганлигига ишонч ҳосил қилдим.

Ботир ака билан Ҳафиза опа тўққиз фарзанднинг отаонаси. Тўртта қизларини турмушга бериб, икки ўғлини уйлантиришди. Оила аъзолари ҳамжиҳатликда, меҳнатсеварликда барчага ўрнак. Шунданми, оиланинг моддий маъмурлиги ошиб, яшаш шароити тобора яхшиланиб бормоқда. Саккиз хонадан иборат шинам уй-жойларда истиқомат қилаётган аҳил оилада барча шароитлар муҳайё. Меҳмонхона, дам олиш хоналари, ошхона, болалар дарсхоналари яхши жиҳозланган. Гаражда «Жигули» автомашинаси. Аҳил хонадан ҳар йили 5 гектар ерга қизилча экади. Бўш вақтларида мева-сабзавот, полиз экинларини кўпайтириш билан шуғулланадилар. Ҳар тонгда бахтиёр оиланинг бахтли келинчаклари Гулнорахон ва Инобатхон пешоналарига оқ дуррачалар тангиб сигир соғишади. Ҳафиза опа ширчой пиширгунча Ботир ака ўғиллари билан пиёз, сабзи, бодрингларга жўяк тортишади. Радиоприёмникдан эса:

Меҳнат билан обод уйингиз,
Ишда толмас олтин қўлингиз... дея уларнинг ҳаётига ҳамоҳанг қўшиқ янграйди.

ТУРДИАЛИ ўғли Баҳром.
Олтиариқ тумани.

САРА УРУҒ — ҲОСИЛ БЎЛУҒ

• БУНГА ҲАММА ЖОЙДА ЕТАРЛИ ЭЪТИБОР БЕРИЛАЯПТИМИ?

Ғўза навининг барча имкониятлари юзага чиқиши етиштирилган ёки тайёрланган уруғлик сифатига бевосита боғлиқ. Агар юқори сифатли чигит экилса, табиийки, 25 фоизгача қўшимча пахта хом ашёси олинади. Кейинги йилларда генетика ва селекция билан шуғулланувчи илмий муассасаларимизда фундаментал назарий фанларни тараққий эттириш натижасида турли юқори сифатли янги ғўза навлари яратилди. Аммо янги навларнинг умри узоққа бормаяпти. Улар парваришида пестицидларнинг юқори дозалари, минерал ўғитларнинг ҳаддан ташқари кўплаб ишлатилиши оқибатида ирсий ўзгаришлар рўй бераётганидан ўзларининг ҳақиқий софлигини ва аъло сифатларини йўқотмоқда.

Республикамизда селекция ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш, янги навнинг дастлабки софлигини сақлаган ҳолда уни доимо кўпайтириб турадиган олтмишдан ортиқ элита уруғчилиги хўжаликлари уруғни хўжаликларга етказиб бериш билан шуғулланмоқда. Элита майдонлари жами 0,75 фоиз ўрнига 1,5 фоизни, биринчи репродукцияли майдон 4,5 фоиз ўрнига 12,7 фоизни, иккинчи репродукцияли ерлар 19 фоиз ўрнига 50,1 фоизни, учинчи репродукциялиси эса 75,5 фоиз ўрнига 34,5 фоизни ташкил этаётир.

Бироқ кўпгина элита уруғчилиги хўжаликларида олиб борилаётган ишларни кўнгилдагидек, деб бўлмайди. Амударё, Боёвут ва Жиззах элита уруғчилиги хўжаликлари фаолиятини қониқарсиз деб баҳолаш мумкин. Буларда ғўзанинг («С—4727» ва «АН—Боёвут—2») нав тозалиги 99 фоиз ўрнига 94—96 фоизни ташкил этяпти. Элита уруғчилиги хўжаликларида етарли техника, ишчи кучи, малакали кадрлар етишмайди. Хўжаликларда ғўза навларининг тез-тез алмашиниши элита соҳасида ишловчи мутахассисларнинг ишига салбий таъсир кўрсатяпти.

Республикамиз ҳаётида пахта уруғчилиги билан боғлиқ бўлган ташкилий масалалар кейинги ўн йилда беш марта ўзгарди. 1981 йилда «Узсортсемхлопкопром» бирлашмаси ташкил этилиб, тўлиқ фаолият кўрсатмасдан, 1984 йилнинг январида мазкур бирлашма Қишлоқ хўжалик вазирлигининг марказий аппарати ҳузурида пахта уруғчилиги бош бошқармасига айлантирилди. 1986 йилнинг январида давлат агросаноат комитети тузилиши билан бош бошқарма кичик бўлимчага айлантирилди, вилоятлардаги пахта уруғчилиги бўлимлари тугатилди, у ерларда уруғчилик билан биттадан мутахассис шуғулланди. 1989 йилнинг охирига келиб, давлат кооператив комитетида пахта уруғчилиги бўлимчаси бошқармага айлантирилди. 1989 йил Пахта уруғчилиги ишларини тубдан яхшилаш ҳақидаги қарорга асосан «Ўзбекистон пахта уруғчилиги» республика ишлаб чиқариш бирлашмаси барпо этилиб, унинг таркибида ҳозир 39 та жамоа, 15 та давлат хўжалиги, иккита пахта тозалаш заводи, пахта уруғи фонди сифатини назорат қилиш ва толанинг технологик хусусиятига баҳо бериш жумҳурият маркази ишлаб турибди. Лекин айни пайтда шуни айтиш керакки, жумҳуриятда шу соҳадаги айрим мутахассис ва раҳбарлар орасида пахта уруғчилиги ишларига тушунибтушунмасдан ноўрин фикрлар билан зарур ва яхши натижа бераётган бу соҳани тезда «ўзгартириш» учун уринаётганлар ҳам учраб турибди.

Аслида бу бирлашманинг тўлиқ фаолият билан ишлашига ҳар томонлама кўмаклашиш керак. Ҳукуматнинг охирги қарори билан тузилган бирлашманинг олдига қўйган вазифалари катта, яқин йиллар ичида белгиланган қатор ишларни амалга ошириш кўзда тутилган.

Ғўза навининг софлигини сақлаш, ундан олинадиган толанинг дастлабки сифатини сақлаб қолиш ва бошқа навлар билан аралашиб кетмаслиги орқасида уруғчилик хўжаликларига сара чигит етказиб бериш мақсадида жумҳуриятда ўттизта кичик уруғчилик пахта заводларини қуриш мўлжалланиб, бу ишлар қизғин бошланиб кетди. 1992 йилда шундай заводларнинг бештасини қуриш ишлари бошлаб юборилади. Бу корхоналарнинг лойиҳа ишлари қурилиш ташкилотларига топширилди.

Фан ва тажрибадан шу нарса маълумки, уруғлик чигит тўғри, талабга жавоб берувчи жойда икки-уч йил сақланиб, кейин экилганда ҳосилдорлик анча (10—15 фоиз) юқори бўлган. Лекин ҳозирги пайтда бундай шароитнинг йўқлиги туфайли бу тавсиялардан фойдалана олмаяпмиз.

Ҳукуматнинг қарорига ишончсизлик ва ҳурматсизлик билан қараётган Қашқадарё ва Тошкент вилоятларининг айрим раҳбарларига кўп марталаб мурожаат қилинди. Шунга қарамасдан бу вилоятларда белгиланган хўжаликларни бирлашма таркибига на ўтказади, на вилоятда пахта уруғчилиги бирлашмаси — тармоғи тузади.

Келажакда пахтакор хўжаликларни юқори сифатли уруғлик чигитлар билан таъминлаш учун, тайёрланаётган уруғлик пахтани талаб даражасида пунктларга топшириш, уни сақлаш, қайта ишлаш ва чигит қилиб тайёрлашда янги илғор усуллардан фойдаланиб, юқори натижага эришиш кўзда тутилган.

Ортиқча харажатларни бирмунча камайтириш мақсадида уруғлик пахтани машинада териб, пахта заводида қайта ишлагандан сўнг, махсус саралаш ускуналарида бир неча гуруҳга ажратиб, сўнгра уруғлик чигит тайёрлашни йўлга қўйиш зарур. Бу вазифани бажаришни техника ва механика соҳасида ишлаётган олимларимиз олдига қўйишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Ҳозирги мавжуд саралаш ускуналари эса уруғчиларнинг талабига тўлиқ жавоб бермаяпти.

Республикамиз пахта далаларида ҳозирги пайтда ўттизтага яқин ғўза навлари экилмоқда. Айрим хўжаликларда икки-учта навни аралаш жойлаштирганлар бор. 1991 йилда Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларининг 43-50 фоиз хўжалигида иккитадан, Фарғона вилоятининг 24 фоиз хўжалигида учтадан ғўза навлари экилди. Бундай ҳолат албатта, уруғчилик ишларининг тўғри амалга ошишига салбий таъсир этмасдан иложи йўқ. Ғўза навларини тўғри жойлаштириш биринчидан, уруғчилик ишларини тўғри йўлга қўйишга замин яратса, иккинчидан, пахта хом ашёсига бўлган талабни режалашга қулайлик яратади.

Кўпчиликка маълумки, енгил саноатга, айниқса, жаҳон бозорига пахта толасининг технологик хусусиятлари ҳар томонлама яхши бўлган ғўза навларининг хом ашёси керак. Шундай хусусиятларга жавоб берадиган навлар етарлича, аммо бизнингча, уларни тупроқ-иқлим шароитига қараб тўғри жойлаштиришимиз зарур.

Кейинги йилларда селекционер олимларимиз бир неча ғўза навларини яратдилар. Уларнинг айримлари деҳқоннинг, енгил саноатнинг талабига жавоб беради. Бунга тезпишар, тола чиқими юқори бўлган «Юлдуз» нави мисол бўлади. Бу нав уч-тўрт йилдан буён Қашқадарё ва Андижон вилоятлари хўжаликларида ҳосилдорлиги, эртапишарлиги ва тола чиқими 37—39 фоиз бўлиши билан пахтакорларни мамнун қиляпти. Ўтган йилги натижалар бўйича бу нав ҳосилининг асосий қисми сентябрь ойида йиғиштириб олинди. Бундай ғўза навлари қаторига Ўзбекистон Фанлар академиясига қарашли «Биолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси олимлари томонидан яратилган ҳосилдор, тола чиқими 38—40 фоизни ташкил этаётган «АН—415»ни кўрсатиш мумкин. Бу нав кўпроқ Сурхондарё вилояти хўжаликларида кўпайтирилмоқда.

Айрим ғўза навлари, жумладан, «175—Ф», «Андижон—9», «АН—Боёвут—2», «Андижон—60», «Оқолтин», «С—4727», «Наманган—1», «Термиз—16»ларнинг экиш майдонлари камайиши кутиляпти. «987—И», «С—6037», «Андижон—13» ва «С—4880» ғўза навларининг бошқа экилмаслиги кўзда тутилаётир.

Бу ғўза навлари айримларининг дастлабки хўжалик белгилари, айниқса, унинг тола хусусиятлари бироз пасайиши аниқланмоқда. Масалан, «175-Ф», «С—6524» навлари тўртинчи тип тола бериш ўрнига, энди бешинчи тип талабига жавоб беряпти. Бу хўжаликларга иқтисодий зарар етказади.

Ғўза навини танлашда эски услубларни ўзгартириб, толасининг сифати, тола чиқиш миқдори юқори бўлган толанинг оқлиги билан ажралиб турадиган навларга эътибор бериш зарур. Бунинг учун барча кўрсаткичлари ва маҳсулот сифати юқори бўлган иқтисодий жиҳатдан самара берадиган навларни агроэкологик зоналарга асосли равишда тақсимлаш керак. Нав агротехникасини тўғри белгилаш, ҳар томонлама чуқур ўрганиш, керакли зоналар учун ўзгартишлар киритиш лозим. «Союзхлопок» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси тупроқнинг тузилиши, гумус ва микроэлементларнинг запасларини ҳисобга олган ҳолда агротехника тавсиясини ва сув режимини тузиш мақсадга мувофиқ.

Уруғлик етиштириладиган майдонлар учун алоҳида сув режими ва озиқлантириш нормаларини белгилаш керак.

Кўп навлиликка йўл қўймаслик чораларини кўриш, хўжаликларда фақат битта ғўза навини экишни таъминлаш, бу қоидага барча хўжаликларнинг раҳбарлари риоя қилишлари зарур. Бунда ғўзаларнинг биологик ва механик ифлосланиши олди олинади. Уруғлик хўжаликларини доимо юқори репродукцияли уруғлар билан таъминлаш керак.

Пахта толасининг физик-механик ва технологик хусусиятларини аниқлаш бўйича жаҳон стандартига ўтиш борасида «Хлопкопром» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси бажараётган ишларни тезлаштириш ва уни ишлаб чиқаришга жорий этиш зарур.

Янги ғўза навларининг тола сифатини, тола чиқиши миқдорини тезда аниқлайдиган замонавий чет эл ускуналари билан пахта уруғи сифатини назорат қилиш, толанинг технологик хусусиятига баҳо бериш республика марказини жиҳозлашга амалий ёрдам беришни қишлоқ хўжалик вазирлигидан сўрашни лозим, деб ҳисоблаймиз.

Республика далаларида экилаётган ғўза навларининг сонини камайтириб, эртапишар, серҳосил, касалликларга чидамли, тола чиқими анча юқори, чигит таркибида ёғ миқдори кўп, машина теримига мос ва жаҳон бозорида шу толага талаб кўплигини ҳисобга олган ҳолда жойлаштириш, яъни уларнинг экин майдонларини кўпайтириш керак.

Ҳозирги бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида олимларнинг турмуш тарзини яхшилаш, ижтимоий ҳимоя қилиш ҳам асосий масалага айланмоғи зарур. Олимларнинг муаллифлик гувоҳномасини республика ҳукумати томонидан ўз вақтида берилишига имконият яратиш, нав яратишдаги хизматни баҳолаш учун моддий рағбатлантиришни ташкил этиш селекция ишларини тезлаштиришга олиб келади. Шу ўринда янги ғўза навларининг толасига технологик жиҳатдан баҳо бериш учун республика тармоғини тузиш зарурати туғилди. Толанинг фабрика синовлари республикамиз ҳудудидаги тўқимачилик корхоналарида аниқланиши лозим.

О. ЖАЛИЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг мухбир аъзоси.

Н. ХОЛМУРОДОВ,
«Ўзбекистон пахта уруғчилиги» республика ишлаб чиқариш бирлашмаси раиси.

● Дўстлик районидаги Саркисов номли давлат хўжалигининг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Исломхон Абдуллаев етакчилик қилаётган «Ўзбекистон» кооперативида шу кеча-кундузда қишки тадбирлар авжида.

СУРАТДА: кооператив раиси Исломжон АБДУЛЛАЕВ ва звено бошлиғи Носиржон НИШОНОВ.

У. ҚУШВОҚОВ олган сурат.

СПОРТ

СОВРИНДОРЛАР АНИҚЛАНДИ

● **Тошкентдаги «Меҳнат резервлари» спорт комплекси бир неча кун гавжумлашиб турди. Бу ерда Совет Иттифоқи Қаҳрамони генерал-майор Собир Раҳимов хотира совғини учун анъанавий мусобақа ўтказилди.**

17-марта уюштирилган совриндорлик кураши қизғин ва муросасиз баҳсларга бой бўлди. 200 дан зиёд полвон грек-рим усулида беллашди. Курашчилар саралаш баҳсларини муваффақиятли ўтказиб, совринли ўринлардан бирига даъвогарлик қилишди. Жумладан, тошкентлик Дмитрий Коршунов билан Олим Холбоевнинг ўзаро беллашуви кўпчиликда қизиқиш уйғотди. Дмитрий бўш келмади. У совриндорлар сафидан ўрин олди. Умуман мусобақада майдон эгаларининг устунлиги сезилиб турди. 48 килограммли А. Валенцов билан 82 килограммли У. Уматов (ҳар иккаласи Кишинев)лардан бошқа ғолибларнинг аксарияти мезбонлар ҳисобига тўғри келди. Жумладан Исомжон Кенжаев, Шуҳрат Жўраев, Григорий Пуляев, Валерий Милов, Александр Фильдман ва Шермуҳаммад Қўзиевлар вазнларига кўра ғолиблик супасига кўтарилиб, — совриндор бўлишди.

НАФОСАТ БАҲСИДА

● **Кировск шаҳрида спортнинг қишки турлари бўйича мамлакат кубоги учун қизиқарли мусобақа ўтказилди.**

Фристайл — чанғида мураккаб ҳаракатлар қилиш бўйича уюштирилган бу мусобақада мухлислар момиқ қор бўйлаб қияликларда амалга оширилган қизиқарли ва гўзал машқларни кузатишга муваффақ бўлдилар. Ана шу мусобақада иштирок этган тошкентлик Европа чемпиони Л. Черязова ҳам бўш келмади. Унинг нафис ва мураккаб ҳаракатлари ғалаба қозонишига имкон берди.

ҒОЛИБЛИК СУПАСИДА

● **Тошкентда СССР Қуролли Кучлари боксчилари ўртасида чемпионат ўтказилди.**

Ўзбекистон Республикаси чарм қўлқоп усталари маҳорат кўрсатишга ҳаракат қилишди. Чунончи, Туркистон Ҳарбий округи жамоаси вакиллари 5 та олтин медаль тўплаб, 55,7 очко олиб жамоа ҳисобида биринчи бўлишди. Бу муваффақиятга армиячиларимиздан Олег Маскаев, Эргаш Каримов, Нурғали Белосаров, Толибжон Исроилов, Игорь Буннилар муносиб ҳисса қўшдилар.

ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХУСУСИДА МУЛОҲАЗАЛАР

Яқинда Сирдарё районида бўлиб халқ таълими олдида турган муаммолар, аниқ ва ижтимоий фанлар, айниқса, ўзбек тилини ўрганиш масалалари, миллий мактабларда адабиёт фанини ўқитишнинг аҳволи билан қизиқдик.

Бу масалаларда район халқ таълими бўлими мудири ўринбосари Борис Васильевич Тен, методика кабинетининг мудири Салоҳиддин Элмуродов, физика методикаси шоҳобчаси бошлиғи Абдурасул Воҳидов, ўзбек тили ва адабиёти шоҳобчаси бошлиғи Маърифжон Қамбаров, 16-ўрта мактаб ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси Тожикул Нарзуллаев, Ҳомидқул Элмуродов номли 13-ўрта мактаб директори Рўзимбой Акрамов ва бошқалар билан суҳбатда бўлдик.

— Асосий диққатни халқ таълимини қайта қуриш ва мактабларда таълим-тарбия ишларини яхшилашга доир қатор ишлар амалга ошириляпти. Масалан 18-мактаб физика ўқитувчиси З. Юнусова, 12-мактаб рус тили ва адабиёти ўқитувчиси К. Г. Ротушинский, 5-ўрта мактаб математика ўқитувчиси Э. Бойтўраева, 7-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Ҳ. Ҳайдарова, 6-мактабнинг меҳнат таълими ўқитувчиси Р. Миралиевларнинг очиқ дарслари таҳлил қилиниб, вилоят миқёсида намунали дарслар сифатида кўрсатиб ўтилган эди. Район маорифининг машъаллари бўлган устоз ўқитувчилар М. Ҳакимов, С. Азимов, 14-мактаб математика ўқитувчиси А. Абдувоҳидов, 12-мактаб физика ўқитувчиси Ж. Ҳасанов, 13-мактабнинг тил ва адабиёт ўқитувчиси Ҳ. Сойибназарова ва бошқалар ўз фанлари бўйича моҳирлик билан дарс бериб, ўқувчиларда ўз фанларига меҳр-муҳаббат ва қизиқишни кучайтирмоқдалар. Шу билан бирга ўтган ўқув йилида райондаги 2, 4, 10, 23, 32, 33-мактаб-ларда рус тили ва адабиётини ўқитувчиларининг дарслари ўрганилди. Улардаги айрим методик камчиликлар тугатилиб, бу соҳада илғор ўқитувчиларнинг иш тажрибаларини ўрганиш йўлга қўйилмоқда.

Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиш муносабати билан ҳамма ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиларига эски ўзбек ёзувини ўрганиш қатъий вазифа қилиб қўйилди. Шу мақсадда улар мустақил ўрганишдан ташқари Тошкент ва Сирдарёдаги вилоят жумҳурият малака ошириш институтларига ўқишга юборилди. Район миқёсида байналмилал ташкилот ва корхоналарда ўзбек тилини ўрганиш бўйича Ўзбекистон жумҳурият Халқ таълими ва зирлиги томонидан тасдиқланган 60-70 соатлик дастур ишлаб чиқилди. Байналмилал корхона ва ишхоналарда ўзбек тилини пухта ўрганишда

ЮТУҚ-КУ БОР...

рилаяпти. Ўзбекистон тарихи, тили ва адабиётини ўқитишда қўйиладиган янги вазифалар, бу мактаблардаги методик бирлашма ва кенгашларнинг, фан шўъбаларининг аҳамияти, уларнинг янги изланишлари, таклиф ва мулоҳазаларига, фикрлар хилма-хиллигига кенг йўл очишга, очиқ дарс ва семинар-мулоҳазаларини кўпайтиришга ҳаракат қилмоқдамиз.

Ҳа, районда халқ таълимини қайта қуриш ва мактабларда таълим-тарбия ишларини яхшилашга доир қатор ишлар амалга ошириляпти. Масалан 18-мактаб физика ўқитувчиси З. Юнусова, 12-мактаб рус тили ва адабиёти ўқитувчиси К. Г. Ротушинский, 5-ўрта мактаб математика ўқитувчиси Э. Бойтўраева, 7-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Ҳ. Ҳайдарова, 6-мактабнинг меҳнат таълими ўқитувчиси Р. Миралиевларнинг очиқ дарслари таҳлил қилиниб, вилоят миқёсида намунали дарслар сифатида кўрсатиб ўтилган эди. Район маорифининг машъаллари бўлган устоз ўқитувчилар М. Ҳакимов, С. Азимов, 14-мактаб математика ўқитувчиси А. Абдувоҳидов, 12-мактаб физика ўқитувчиси Ж. Ҳасанов, 13-мактабнинг тил ва адабиёт ўқитувчиси Ҳ. Сойибназарова ва бошқалар ўз фанлари бўйича моҳирлик билан дарс бериб, ўқувчиларда ўз фанларига меҳр-муҳаббат ва қизиқишни кучайтирмоқдалар. Шу билан бирга ўтган ўқув йилида райондаги 2, 4, 10, 23, 32, 33-мактаб-ларда рус тили ва адабиётини ўқитувчиларининг дарслари ўрганилди. Улардаги айрим методик камчиликлар тугатилиб, бу соҳада илғор ўқитувчиларнинг иш тажрибаларини ўрганиш йўлга қўйилмоқда

Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиш муносабати билан ҳамма ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиларига эски ўзбек ёзувини ўрганиш қатъий вазифа қилиб қўйилди. Шу мақсадда улар мустақил ўрганишдан ташқари Тошкент ва Сирдарёдаги вилоят жумҳурият малака ошириш институтларига ўқишга юборилди. Район миқёсида байналмилал ташкилот ва корхоналарда ўзбек тилини ўрганиш бўйича Ўзбекистон жумҳурият Халқ таълими ва зирлиги томонидан тасдиқланган 60-70 соатлик дастур ишлаб чиқилди. Байналмилал корхона ва ишхоналарда ўзбек тилини пухта ўрганишда

албатта маҳаллий шароит, жонли сўзлашувга мосланган оммабоп ўзбекча-русча луғатларнинг кўпроқ бўлиши, қўлланмалар яратилиши керак бўлади.

Тилга ҳурмат — элга ҳурмат, деган гап бор. Районда мактабларнинг номларини ҳам миллийлаштиришга эътибор бериляпти. Бу йил 13-мактабга унинг асосини қурган мактаб директори марҳум Ҳомидқул Элмуродов номи, 31-мактабга унинг илк ташкилотчиси ва раҳнамоси бўлган марҳум Абдуқосим Одилов номи қўйилди.

Лекин ўзбек тилига давлат мақоми бериш ҳақидаги қарор чиққанига анча бўлса ҳам райондаги айрим байналмилал корхона раҳбарлари бу ишга қатъий киришганларича йўқ. Кўпгина хўжаликлар, мактаб номлари ҳали русча исм-фамилияларда бўлиб, уларнинг 20-25 фоизи эса ўзбекча исмларда, холос. Район халқ таълими методик шўъбаларининг ҳисоботлари, маърузалари машинкалар рус графикаси асосида бўлгани учун уларда ўзбекча имло қоидалари бузилиб, оққа кўчирилмоқда.

Бунинг устига ўрта мактаб ўзбек тили ва адабиёти бўйича чиқарилган дастур билан мавжуд дарсликлар ўртасидаги номувофиқлик, бошқа камчиликлар ўқувчиларга чуқур таълим беришга халақит бераётир.

Ш. ТУРДИЕВ,
филология фанлари номзоди.

ДАВЛАТ НАЗОРАТИ ҲУШЁР ТУРИБДИ

Бухоролик Б. Иноятов юк машинасига ортилган ерёнғоқ камида 100 минг сўмлик экан. У ерёнғоқни Свердловск вилоятига олиб кетаётганида Ўзбекистон билан Қозоғистон чегарасида Гагарин районидаги давлат назорати постининг ҳодимлари томонидан қўлга олинди.

Самарқанд вилоятининг Ургут районидан йўлга чиққан У. Пирматовнинг сафари ҳам шу ерда тугади. У. Пирматов 14 минг сўмликдан кўпроқ телевизор ва радио аппаратларни тузатишда ишлатиладиган жуда тақчил эҳтиёт қисмларни олиб кетаётган экан.

Жиззах вилоятида тузилган янги хизмат маҳкамаси — товар-моддий бойликларни ташиб кетишни назорат қилиш давлат назорати бўлими фаолиятининг баъзи натижалари ана шундан иборат. Бўлим тўртта пост ташкил қилган: иккита кўчма пост ва иккита муқим пост. Дастлабки кунларданоқ Гагарин постидаги ходимлар зиммасига катта юк тушди. Унинг бошлиғи, милиция лейтенанти А. Рисолиев, кичик назоратчилар С. Тожиддинов, А. Жаров, Х. Баратуллаев ва бошқалар учта районга хизмат кўрсатишади.

— Бизнинг вазифамиз, — дейди давлат назорати вилоят бўлимининг катта назоратчиси, милиция майори Б. Танирбергенов, — ички истеъмол бозорини ҳимоя қилиш ҳамда жумҳуриятимиз ташқарисига хом-ашё, материаллар, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, моддий-техника бойликлари ғайриқонуний тарзда ташилиб кетилишига йўл қўймасликдир. Ўз вазифамизни йўриқномага қатъий амал қилган ҳолда бажаряпмиз.

(ЎзТАГ).

Жамоатчи мухбиримиз Б. АЛЛАШЕВ туширган ушбу суратда Нукус шаҳридаги ўтов-кигиз тола комбинати илғор ишчиси Гулжаҳон Тўрабоевани кўриб турибсиз. У тўқув цехида унумли ишлаб, зиммасидаги ойлик режаларни 110-115 фоизга уддаламоқда.

• МАРДЛИК — МАНГУЛИК

УЛАРНИНГ НОМИ ЎЧМАЙДИ

Андижон вилояти «Хотира китоби»га 1941—1945 йилларда Улуғ Ватан уруши майдонларида жон фидо қилган ва бедарак йўқолганларнинг исми, улар тўғрисида қисқача маълумотлар ёзилмоқда.

Вилоят «Хотира китоби»ни тайёрлаш юзасидан ташкил этилган таҳририят ва ишчи гуруҳи бир қанча ишларни амалга оширди. Шаҳар ва районлар, маҳалла ва қишлоқ Советларида Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлган жангчиларни рўйхатга олиш комиссиялари ва қидирув гуруҳлари тузилди. Уйма-уй юриб тузилган рўйхатлар бир жойга тўплаб бўлинди.

Чунончи, шаҳар ва район ҳарбий комиссариатлари архивларидаги маълумотлар асосида рўйхатга олинганлар вилоят ҳарбий комиссариатига топширилди. Рўйхатларга кўра вилоят бўйича ҳалок бўлган ва бедарак йўқолганларнинг умумий сони 20 мингдан ортиқдир.

Бундан ташқари вилоят ҳарбий комиссариати СССР Мудофаа вазирлиги ихтиёридаги Марказий архивдан уруш йилларида ҳалок бўлганлар ёки бедарак йўқолганлардан 3000 нафарга яқин жангчининг рўйхатини олди. Бу рўйхат ҳарбий қисмлар архивидан олинганлиги учун ҳар бир киши тўғрисида тўла маълумот беради. Бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Хўжаобод районидан чақирилган, 1926 йилда туғилган Қодиржон Мирзакаримовни олайлик. У 352-ўқчи дивизиянинг 1158-ўқчи полкида оддий қизил аскар бўлиб Германиягача жанг қилиб борган. Афсуски, Ғалаба — 1945 йил 9 май куни Германиянинг Грюштейдорф қишлоғида ҳалок бўлган. У шу қишлоқдан бир чақирим жанубдаги ўрмон четига дафн этилган.

Марказий архив рўйхатида қўрғонтепалик 14 кишининг номи бор. Уларнинг ҳаммаси Новгород вилоятининг Парфинск районидаги Новая деревня қишлоғи учун жангларда 1942 йил август ойида ҳалок бўлганлар. Мана уларнинг номлари: Ўктам Йўлдошов, Эргаш Мусаев, Хўжамберди Тошболтаев, Раҳмон Тўхтаев, Толибжон Мирзалиев, Шаробиддин Мамадалиев, Турғун Хоназарав, Шерқўзи Йўлборсов, Раҳмон Қурбонов ва бошқалар. Ўша жангларда Балиқчидан Қодир Абдураҳимов, Қаландар Ботиров, Хўжаободдан Бозорбой Убайдуллаев, Жаббор Қўчқоров, Абдувоҳид Содиқов, Саримсоқ Алиохунов, Собиржон Асқаров, Анорбой Абдуллаев, Шаҳрихондан Маҳамжон Ғойназаров, Андижон районидан Кимсанбой Эргашев, Избоскандан Эргаш Қўшоқовлар қатнашган.

Қора денгиздан Оқ денгизгача чўзилган фронтда ўн кунлик жангларда фақат Андижон вилоятидан ўттизтадан ортиқ жангчининг ёстиғи қуригани маълум бўлди.

Бу рўйхатга госпиталларда шифо топмасдан жон берганларнинг номлари ҳам киритилган. Андижон шаҳар 8 Март кўчасидаги 52-уйда яшовчи Ҳадичахон Қорабоеванинг ўғли Неъматжон Зулимов 1943 йил 19 июлда Харьков вилоятининг Боровск районида жойлашган 153-дала госпиталида вафот этган ва шу қишлоққа дафн этилган. Шунингдек (Шаҳрихонда 1917 йилда туғилган) Жумабой Мўминов, олтинкўллик автоматчи Сотволди Мирзааҳмедов (1924 й), Мирзамаҳмуд Жўраев (1900 й), хўжаободлик Жўра Кенжаев (1915 й)лар ҳам госпиталда нобуд бўлганлар. Уларнинг номлари ҳам «Хотира китоби»га ёзилади.

«Хотира китоби» жанг майдонларида ёки бўлмаса қуршовда қолиб, бедарак йўқолганлар ҳам ёзилади. Келаётган рўйхатларда хўжаободлик Яхшибой Кўкаев (1919 й.), Қози Умрзоқов (1897 й.), 1944 йил 1 октябрдан, Олтинкўл районидан Отажон Эшматов (1903 й.), Охунжон Султонов (1920 й.) 1944 йил август ва сентябрдан, избосканлик Абдуҳолиқ Мирзаев ва Мамажон Мадраҳимовлар тўғрисида ҳам ҳеч қандай дарак йўқ.

Эстонияни фашизм асоратидан қутқазиш учун курашда ҳам совет жангчиларидан минглаб ҳалоскорлар жонларини қурбон қилганлар. Улар орасида андижонликлар ҳам бор эканлиги архив маълумотларидан кўриниб турибди. Эстониянинг биргина Кохтля Яревск районидаги Симимле қишлоғини немис-фашист босқинчиларидан озод этишда андижонликлардан Мамадали Темиров, Маманиёз Нишонов, Мирзаҳалил Қосимов, Йўлдош Уринбоев, Юсуп Тўхтабоев, Василий Карпович Хворостинцев ва бошқалар ҳалок бўлганлар, шу қишлоқдаги 2-биродарлик қабристонига дафн этилганлар.

Атрофдан келаётган хатлар ва маълумотлар орасида республикамизнинг бошқа вилоятларига тегишли кишиларга тааллуқлилари ҳам бор. Убайдулла Абдуллаев, Усуббой Латипов, Мурзабулло Хўжамбердиевлар Наманган район ҳарбий комиссариати томонидан чақирилиб, фронтга жўнатилганлар. Уларнинг учаласи ҳам 1313 ўқчи полкида жанг қилганлар. Зеро, уччаласи ҳам бир кунда — 1943 йил 10 январда Сталинград остонасида ҳалок бўлганлар.

Харьков вилоятининг Краснокутск район ҳарбий комиссариатидан келган бир мактубда қашқадарёлик Зиват Рустамов тўғрисида ҳикоя қилинади. У 1943 йил 23 сентябрда ўша районнинг Кошелев қишлоғида ҳалок бўлган экан.

Шундай қилиб, ҳозирги кунда вилоятимиздаги ҳар бир шаҳар ва район ихтиёрида ҳалок бўлганларнинг тўрт хил рўйхати вужудга келди. Энди шу рўйхатларни биттага айлантириш вазифаси турибди. Бунинг мураккаблигини ҳисобга олиб, вилоят ижроия қўмитаси ташкилотчи штати ажратиш тўғрисида қарор қабул қилди. Ҳозирча бу қарор Андижон шаҳар ва учта райондагина бажарилди.

Агар ташкилий ва тадбирий юмушлар барвақт бажарилса, «Хотира китоби» жумҳуриятда илк бор чоп этилиши мумкин бўларди.

Муҳаммаджон РАҲИМОВ,
Андижон вилояти «Хотира китоби»ни тайёрлаш бўйича ишчи гуруҳининг раҳбари.

Сизда қандай янгилик бор?

БИЛИМГОҲ ҲОМИЙЛАРИ

Тошкент кимё-технология олий билимгоҳида ўтказилган маслаҳат йиғилишида бўлажак саноатчилар — ёш мутахассисларнинг билимни пухта эгаллаши, иқтисодиётни яхши билиши, янги технологияни ўзлаштириши борасида иккиламчи ва ташландиқ ресурслардан фойда оладиган, ишчи ва давлат манфаатларини кўзловчи даромадгир муҳандислар тайёрланиши зарурлиги ҳақида гап борди.

Корхоналар билим масканига турли жиҳозлар, ЭҲМ машиналари, роботлар, компьютерлар билан ёрдам кўрсатишни ўз зиммаларига олдилар. Ташкил этилган хомийлик кенгаши аъзолари йилига икки марта йиғилиб, ўқув жараёни сифатини ошириш, илмий-тадқиқот ишлари самарадорлигини кўтариш, амалиётга татбиқ этиш, аълочи талабаларга юқори нафақа бериш, сабоқлардан айримларини корхонада ўтказиш каби юмушларни бажарадиган бўлишди. Хомийлик кенгаши аъзолари сафига ана шу билимгоҳнинг собиқ талабалари, эндиликда йирик корхоналарнинг раҳбарлари, илмий-текшириш олийгоҳларининг мутасаддилари киритилди. «Ўзбекмебель», «Узплодоовошвинпром», «Узбекрезина», «Совпластитал», «Электрохимпром», Қурилиш министрлиги каби қатор ташкилотларнинг ходимлари қадрдон билимгоҳларига хомийлик қиладиган бўлишди.

Йиғилиш якунида билимгоҳда ёрдам тариқасида «Ўзбекистон» кимё концерни билан «Совпластитал» бирлашмаси 1 миллион сўмдан, «Узпишчепром» ва «Средазгазпром» концернлари ярим миллион сўмдан ёрдам тариқасида пул ўтказишга ваъда қилишди. Бошқа корхона ва муассасаларнинг раҳбарлари ҳам баҳоли қудрат ёрдам кўрсатишга тайёр эканликларини билдиришди. Йиғилган маблағга келажакда билимгоҳнинг янги биносини қуриш, дам олиш зонаси барпо этиш мўлжалланмоқда.

Қ. АҲМЕРОВ.

«ОРОЛ ҚИЗЛАРИ»

Қорақалпоғистон Республикаси хотин-қизлари халқ хўжалигининг турли жабҳаларида фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Меҳнат билан машҳур қорақалпоқ аёлларининг ҳаёти, турмуши ҳақида очерклар, ҳикоялар, публицистик мақолалар, лавҳалар ранг-баранг суратлар янги ойномада ўз ифодасини топадиган бўлди.

Янги таъсис этилган ойномага «Орол қизлари» деб ном берилди. Ҳар уч ойда босмадан чиқадиган жариданинг дастлабки сонида Орол денгизи, Амударё атрофида истиқомат қилаётган аёлларнинг меҳнати ва уларнинг муҳофазасига бағишланган материаллар ўрин олди. Сиёсий-ижтимоий ва бадиий ойномага ёзувчи Гулайша Есемуротова муҳаррирлик қилмоқда. Жарида муассиси Орол ва Амударёни муҳофаза қилиш комитети бўлди.

Р. ЕШИМБЕТОВ.

АНДИЖОН БИРЖАСИ

Андижонда товар-хом ашё биржаси ташкил этилди. У Олмалиқ товар хом ашё биржасининг филиали сифатида бир неча ой фаолият кўрсатди ва қисқа вақт ичида 280 миллион сўм фойда олди. Эндиликда биржа мустақил ташкилотга айланди.

Биржа сўзи франциялик илк савдогар Бурзанинг номидан келиб чиққан бўлиб, у корхоналар, ташкилотлар, бошқа истеъмолчиларни бир-бири билан яқинлаштиради, воситачилик қилади. Биржа аъзолари: брокерлик—даллоллар, деб аталади. Брокерлик у ёки бу корхона ва ташкилотларда бўлиб, улардаги ортиқча, ҳаракатсиз мол ва хом ашёларни аниқлайди. Айни вақтда ўша корхоналарга нималар зарурлигини ҳам билиб олади. Хуллас, биржа ўзига хос савдо ролини ўтайди.

Ҳозир Андижонда ўттиздан ортиқ корхона ва қурилиш ташкилотлари, муассасалар биржани қўллаб-қувватлаб турибдилар. Улар орасида Андижон вилоят деҳқончилик саноати қўмитаси, йўл қурилиш ва ундан фойдаланиш бошқармаси, вилоят матлубот жамияти уюшмаси, савдо бошқаруви, «Ирмаш» заводи, «Турист» бирлашмаси ва бошқалар бор. Дастлабки ҳисоб-китоблар шуни кўрсатдики, Андижон корхоналари ва ташкилотларида салкам 30 миллион сўмлик мол ва хом ашёлар бор. Биржа даллоллари қайси корхоналарда эҳтиёж борлигини аниқлашмоқдалар.

А. ҚУРОНБОЕВ.

● Назира Муқимовани Сирдарё райони халқ таълими ходимлари ҳурмат билан тилга олишади. У райондаги 6-ўрта мактабда ёш авлод тарбияси билан шуғулланади.

— Ўқувчининг онласи билан яқиндан мулоқотда бўлиш ҳар икки томон учун фойдалидир, — дейди Назира Муқимова. — Чунки ўқувчи дарсдан бўш вақтини қай тарзда ўтказишини назоратда тутиш бола тарбияси асосий омилидир.

Суратда: Назира Муқимова ўзи раҳбарлик қилаётган 8-В синф ўқувчилари билан навбатдаги тарбиявий соатда.

Р. АЛЬБЕКОВ олган сурат.

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

7, 8, 9, 10 ДЕКАБРЬ СОАТ 15.00 ва 19.00 ДА

«КУЛГИ ВА ҚЎШИҚ КЕЧАСИ»

ҚАТНАШАДИЛАР:

«Қизиқчи-90» кўригининг ғолиби

ҲОЖИБОЙ ТОЖИБОЕВ

ва

Ботир ЗОКИРОВ кўригининг ғолиби, хушовоз хонанда

Азим МУЛЛАХОНОВ

ДАСТУРНИ ЎТКИР СИДДИҚОВ ОЛИБ БОРАДИ.

Чипталар соат 11.00 дан бошлаб сарой кассаларида, метронинг «Пахтакор», «Октябрь инқилоби» ва «Максим Горький» бекатларида сотилади. Телефон 45-92-13.

„ЭЛЕКТРОНИКА"

«ЭЛЕКТРОНИКА» ФИРМАЛИ ДУКОН-САЛОНИ «АССИСТЕНТ» УЙИН-АХБОРОТ КОМПЬЮТЕРИНИ

ТАКЛИФ ЭТАДИ

БУ КОМПЬЮТЕР ҲИСОБЛАШ, ИҚТИСОДИЙ, ИЛМИЙ-МУҲАНДИСЛИК ВА БОШҚА МАСАЛАЛАРНИ ЕЧИШ УЧУН МЎЛЖАЛЛАНГАН.

Микропроцессорнинг тури	КР1810ВМ86
ОЗУ Кбайт сиғими	128
ПЗУ Кбайт сиғими	48
ранглар сони	16

80А микропроцессорида йиғилган хусусий компьютер ўқув ва ўйин дастурларини ҳамда техникавий ва мусиқа ижодиётини амалга ошириш учун мўлжалланган.

ОЗУ	48	Кбайт
ПЗУ	16	Кбайт
ранглар сони	8	

«СПЕКТРУМ» ТУРКУМИДАГИ КОМПЬЮТЕРЛАР СИЗНИНГ ИШОНЧЛИ ЁРДАМЧИЛАРИНГИЗ БЎЛИБ ҚОЛАДИ.

Мустақил равишда хусусий радиоҳаваскорлик компьютерларини тайёрлаш истагида юрган, тайёргарлиги етарли бўлган радиоҳаваскорлар учун дўкон «Электроника КР 02, 03, 04» радиоконструкторларини тавсия қилади.

микропроцессори	КР580	ВМ	80А
ОЗУ сиғими	16	Кбайт	
ПЗУ сиғими	2	Кбайт	

«Электроника» БКОО10» компьютери ҳам «Электроника БКОО10 01» сингари компьютерлар билан ишлаш кўникмасини эгаллаган, шунингдек компьютерни биринчи марта кўриб турган қишилар учун ҳам турмушда қўлланишга мўлжалланган.

ОЗУ сиғими 32
микропроцессорнинг даражалиги 16
ранглар сони 3

«ПОИСК» ЭЛЕКТРОН УЙИН-АХБОРОТ МАЖМУИ

Бу 1ВМ РС (АҚШ), ЕС1840 (ССЖИ) хусусий компьютерларининг бир қатори билан дастурий мувофиқлик демакдир.

Кергичларнинг қўшимча адаптерларини сотиб олиш йўли билан мажмуи имкониятларини модернизациялаш ва кенгайтириш имконияти ҳам «ПОИСК»нинг афзалликларидандир.

микропроцессори КМ 1810ВМ88
тез таъсир қилиши — регистр типидаги тезкор хотираси ОЗУ 0.128 Мбайт
доимий хотираси (ПЗУ) 8 Кбайт
ОЗУ 640 Кбайтгача ошириш имконияти
ранглар сони 16

Манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳри, Гоголь кўчаси, 38-уй.
Телефонлар: 33-68-60, 33-89-12.

НУҚТАИ НАЗАР

БАЙРАМ КУНЛАРИ ҲАҚИДА ЎЙЛАР

Ўтмишда мустамлакачилик зулми остида азоб чеккан халқлар учун озодлик, мустақиллик кунидан қадрлироқ кун бўлмаса керак. Биз ўзбеклар учун ҳам бир юз ўттиз йилдан зиёдроқ давом этган даҳшатли ҳуқуқсизлик, қарамлик азобларидан кейин Мустақиллик куни деб эълон қилинган 1 сентябрдан мўътабарроқ куннинг ўзи йўқ.

Иккинчи хил байрамлар борки, улар халқаро аҳамиятга эга. Улар кўплаб халқларга тарихий даҳлдор. Янги йил, 1 Май, Рамазон, Қурбон ҳайитлари шулар жумласидандир. Уларни дунёнинг кўп халқлари қадрлайдилар ва ҳар хил нишонлайдилар.

Ҳуқуқий давлат сари интилаётган ҳар қандай халқларда байрам кунлари қонун асосида тартибга солиниб турилади. Мустақил Ўзбекистон Республикасининг ҳукумати ҳам бундай кунларни қайта кўриб чиқса ёмон бўлмасди.

Ўрта Осиё халқларининг, жумладан ўзбекларнинг Наврўзи — Янги йил бор. 22 март илмий жиҳатдан ҳам мантиқий мазмунга эга. Шундай экан 1 январдан оддийгина иш куни деб эълон қилиш жоиздир. Бир йилда икки марта Янги йил кутилмайди-да. 8 мартга келсак, азиз ва меҳрибон аёлларимизни йилига бир кун эмас, уч юз олтмиш беш кун ҳурмат қилганимиз маъқулроқ. Халқаро бирдамлик куни бўлмиш 1 Майни нишонлаш керак албатта. Лекин 2 майни эмас. 9 майни нишонлаш ҳақида ҳам ўйлаб кўрилса. Мустақил бўлар эканмиз, биз ўзбекларнинг эскича йўлдан боришимизга йўл қўйиб бўлмайди.

Бизда байрам қилсак арзигулик кунлар етарли. Ўзбекистон равнақи йўлида ҳормай-толмай ишлаётган мустақил Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти • И. Каримовнинг Фармонлари билан Рамазон ва Қурбон ҳайитларига тўғри келган кунлар ҳам умумхалқ ҳайит-байрами кунлари деб эълон қилинди. Хуллас, қувончимизга қувонч қўшилиб, байрамларимиз тағин ҳам қўшланиб кетса ажаб эмас. Ойнинг ўн беши қоронғи бўлса, ўн беши ёруғ деб шуни айтадилар-да.

Ўринбой АЛЛАЕВ,
Хива шаҳри.

ТАБАРРУК ОТАХОН

● КАСБИ қишлоғилик Парда Раҳимовни улъяновликлар кулоллар сулоласининг сардори, пири-бадавлат ота, элда обрў топган инсон сифатида қадрлашади.

Бугунги кунда ўз юртида машҳур Итолмас Очилов, Ўрин Аминов, Наби Ойназаров сингари миришкор кулоллар ҳам Парда бобонинг авлоди эканликлари билан фахрланишди. Яқинда фарзанлари, ҳамқишлоқлари Парда бобонинг 100 ёшини тантанали нишонлашди.

Уни каттаю кичик Парда кулолчи деб ардоқлайди. Жозибадор касб эгаларидан талайини тарбиялаб етиштирган бу отахоннинг 17 нафар ўғил-қизи, 300 га яқин набира, эвараچевара, дуваралари бор. Салкам бир маҳалла.

Парда бобонинг ўғиллари ва набираларидан Абдурахим, Шодмон, Рамазон, Қўчқор, Ади, Эркин каби ўнга яқини ўтмишдошлари кулолчилик касбини эъзозолаб келишмоқда. Улар ясаётган кўза, хум, хумча, ғўлчи ва бошқа бежирим сопол идишлар жуда ҳам рўзғорбоб. Бутун умрини кулолчиликка бағишлаган отахон ҳозир ҳам тиниб-тинчимайди. Ёшларга бу ноёб касб сирларини ўргатаётир. Турмуш ўртоғи Жумагул буви билан пири-бадавлат ҳаёт кечирмоқда.

«Ўзбекистон овози» муҳбири.

ЎТТИЗ ЙИЛЛИК ТАНАФФУСДАН СЎНГ

● РИШТОН районидаги Мамадали Топиболдиев номли жамоа хўжалигининг Зоҳидон қишлоғида орадан ўттиз йил ўтиб яна тегирмон тоши айлана бошлади. Жамоа хўжалиги ҳудудида ва яқин атрофда яшовчилар ўзлари етиштирган макка, буғдой, жўхоридан ун тайёрлатиб олиш имконига эга бўлдилар.

Жамоа хўжалиги ҳудудида олтита тегирмон бўлиб, энг сўнггиси 1961 йилда бузиб ташланган эди. Қишлоқ оқсоқоллари ишни эски тегирмонларни тиклашдан бошладилар. Уларнинг ташаббуси билан кўмиб юборилган тегирмон тошлари қазиб олиниб, таъмирланди.

(ЎзТАГ).

ВОРИСЛАР ТАЙЁРЛАЙЛИК

Халқимиз азалдан бой маданият дурдонасини яратган. Кўп асрлик бу қадимий маданият бизнинг тупроғимизда ўз нуқсини қолдирган. Гўзаллик тимсоли — тарихий обидаларни олайлик. Уларда халқимизнинг бетакрор санъати, истеъдоди барқ уриб туради. Ўлкамиз буюк меъморлар, бастакорлар, мунажжимлар, давлат арбоблари ва қанчадан-қанча ноёб истеъдодлар юрти.

Асрлар давомида халқ истеъдоди билан яратилган барча гўзалликлар авлодлар алоқалари рамзий белгиси бўлиб келмоқда. Ҳаётнинг ўзи тарих ва маданият ёдгорликларини ўрганиш, уларни сақлашга қизиқиш уйғотмоқда.

Шу олижаноб ишда Ўзбекистон тарих ва маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш жамияти зиммасига масъулиятли вазифа юклатилган. Жамият бошқарувининг 1991 йил февраль ойида бўлган пленуми ёдгорликларни сақлаш ва ўрганиш борасида бундан кейинги барча ишларни яхшилаш тадбирлари қаторида жамият қошида «Ёдгорлик» илмий ишлаб чиқариш фирмасини ташкил этиш тўғрисидаги қарори муҳим аҳамиятга эга.

Жумҳуриятимизда Алишер Навоийнинг 550 йиллиги, Бобурнинг 510 йиллиги, Беруниийнинг 1020 йиллиги, Хоразмийнинг 1210 йиллиги, Улуғбекнинг 600 йиллиги, Фурқатнинг 130 йиллиги, Қодирийнинг 100 йиллик таваллудининг бўлажак тантаналари билан боғлиқ ёдгорликларини, хотира жойларини сақлаш ҳамда татбиқ қилиш соҳасидаги ишни ҳар томонлама яхшилашга бўлган интилиш кенг жамоатчилик доирасида тобора кучли сезилмоқда.

Халқимиз ҳаётида Бухоро ва Хиванинг кўп асрлик тарихининг 1993 йилда бўладиган юбилейи муҳим маданий воқеа бўлиб қолади. Жумҳуриятнинг илмий доиралари, жамоат ташкилотлари, Буюк ипак йўлини тадқиқ қилишнинг халқаро уч йиллик дастурини амалий рўёбга чиқаришга катта аҳамият бермоқда.

Кўпгина қишлоқ районларида арзимаган миқдорда олинадиган ҳосилни деб экин майдонлари кенгайтирилиб, археология ёдгорликлари баъзан йўқ қилиб юборилмоқда. Бу билан халқимизга ўнглаб бўлмайдиган маданий ва аҳлоқий зарар етказилмоқда. Биз қишлоқ хўжалиги ходимларини шу меросни авайлаб-асрашга ундаймиз.

Жаҳоннинг маданий ва табиий меросини муҳофаза қилиш бўйича ЮНЕСКО конвенциясида тарихий аҳамиятга молик масканларни ҳимоя қилиш, бу жойлар ҳудудида бўлган давлатларнинггина эмас, балки ер куррасидаги табиий ва маданий бойликларнинг ҳаммаси учун масъул бўлган барча инсониятнинг ҳам ишидир, деб эълон қилинган. Биз Хитой, Эрон, Афғонистон, Туркия, Араб мамлакатларида, Австралияда, АҚШ, Осиё, Африка, Лотин Америкаси мамлакатларида яшаётган ватандошларимизга Ўзбекистон тарих ва маданият ёдгорликларини тиклашнинг кенг дастурини амалга оширишда қатнашишга мурожаат қиламиз. Ўзбек мумтоз адабиёти вакилларининг жуда кўп қимматли қўлёзмалари, қадимги олим-қомусчиларнинг асарлари хорижий мамлакатларда, шахсий тўпламларда ва кутубхоналарда мавжуд. Бу бойликларни давлатимизга қайтариш ҳақида жон куйдиришимиз керак. Бунга эришишимизда биз хорижий мамлакатларда яшаётган ватандошларимиз ва дўстларимизнинг ёрдамига умид қиламиз.

Меъморлик ёдгорликларини сақлаб қолишда олижаноб ва нодир касб — таъмирчилар меҳнатининг аҳамияти катта. Уларнинг тинимсиз ижодий меҳнати туфайли ёдгорликларнинг умри боқий бўлмоқда. Ҳозирги вақтда юқори малакали таъмирчилар сафини кенгайтириш ғоят зарур бўлиб қолди. Таъмирчилик ота касби бўлган усталарнинг анъаналарини тиклаб, бу ишга истеъдодли ёшларни жалб этиш ғоятда муҳим вазифа. Шу борада кейинги йилларда ёдгорликларни асраш жамияти қошида очилган Боймуродов таъмирчилик мактаби фаолияти ҳақида тўхталиб ўтиш жоиздир.

Бухоро вилоят тарих ва маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш жамияти раиси ўринбосари Ражаб Қулиев шогирдлар тайёрлаш масаласи билан шуғулланиб, 1989 йилнинг октябрида таъмирлаш мактаби очиб, ўқувчилар қабул қилди. Вилоят радио ва рўзномалар орқали эълон берилди. Касбга қизиқувчи болалар кела бошладилар. Мактаб қошида махсус комиссия тузилди. Комиссия аъзолари уста Очил бобонинг ўғиллари — Ботир, Бахтиёр, устанинг шогирди Иброҳим Аббосовлар боланинг қизиқиши, қўлидан нақш чизиш келадими, йўқми, хуллас қобилиятини синаб кўриш йўли билан мактабга 12 нафар ўқувчи қабул қилинди. Мактаб усталари болаларни 8-синф маълумоти билан қабул қилиш кераклиги ҳақида ўйладилар. Чунки бола қанча ёш бўлса, зеҳни шунча кучли бўлади. Ёш шогирдларга жамиятга қарашли ётоқхонадан жой берилди. 70 сўм миқдорида стипендия ҳам белгиланди. Ҳозир улар олган билимларини амалда синаб кўрмоқдалар. Ёш шогирдлар ўтган вақт ичида Бухоро ноҳиясидаги Усмон Юсупов номли жамоа хўжалиги ҳудудидаги Хўжа Работ масжидида таъмирлаш ишларини ўз усталари билан биргаликда тугатдилар.

Бухорода ташкил этилган бу таъмирлаш мактаби, унинг ўқувчиларидан умидимиз катта. Биз ўйлаймизки, бундай муҳим хайрли иш бошқа вилоятларимиздаги жамиятларда ҳам ривож топади.

А. ТУХТАСИНОВ,
Ўзбекистон тарих ва маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш жамияти бош мутахассиси.

● ТУРЛИ КАСБ ЭГАЛАРИ

● Аҳмаджон Низомов Наманган вилоят маниий трикотаж буюмлари корхонасида ўн йилдан буён попопчи бўлиб ишламоқда. Шу давр ичида у касб сирларини мукаммал ўрганди, кўплаб шогирдлар тайёрлади. Ҳозир попопчилар сардори 1992 йил ҳисобига меҳнат қиляпти.

Суратда: тажрибали ишчи А. Низомов.

П. АКБАРОВ олган сурат.

Меърос

«Средазгипроводхлопок» илмгоҳи жамоаси илмгоҳнинг Қарши экспедицияси бошлиғи Т. Т. Тоғаевга онаси

Бўриой ТОҒАЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ССЖИ Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Тошкент шифокорлар малакасини ошириш илмгоҳи ректорати, касаба уюшмаси ташкилоти ва оториноларингология кафедраси жамоаси Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган шифокор, тиббиёт фанлари номзоди, жарроҳлик факультетининг собиқ декани, оториноларингология кафедрасининг доценти

Оқил Ғаниевич ҒАНИЕВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Тошкент Давлат иқтисодиёт дорилфунуни ректорати, сиёсий иқтисод кафедраси жамоаси ва касаба уюшмаси аъзолари ҳисоб-иқтисод мутахассисликлари сиёсий-иқтисод кафедрасининг доценти И. Инамовга онаси

Мастонбиби ЙЎЛДОШЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг ҳисоблаш марказли кибернетика илмий-текшириш илмгоҳи жамоси илмгоҳ илмий ходими М. Абдуллаевага отаси

Ғуломжон АБДУЛЛАЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Театр

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 6/XII да **Севги ҳақида афсона.**

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 6/XII да **Жонимни ол, жонгинам.**

АБРОР ҲИДОЯТОВ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ДРАМА ТЕАТРИДА — 6/XII да **Паранжи сирлари.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **Марина ва Ирина ПУЗАКОВАлар раҳбарлигидаги «ЎРГАТИЛГАН АЙИҚЛАР»** АТРАКЦИОНИНИНГ ТОМОШАЛАРИ (7 декабрда соат 14 ва 17.00 да, 8 декабрда соат 11, 14 ва 17.00 да).

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари) Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб,) М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.



БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: *700000, Тошкент–ГСП, Ленинград кўчаси, 32.*

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, 32-53-20; партия турмуши, советлар ҳаёти, назария ва мафкура — 33-34-69, 33-38-95, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; деҳқончилик саноати — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-70; иқтисодиёт ва ҳаёт — 33-12-16, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-20-36, 33-12-56, 32-54-36, 32-55-16; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24, 32-55-17; аҳлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.

ЎЗМУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

«Ўзбекистон овози» («Голос Узбекистана») —общественно-политическая газета Народно демократической партии Узбекистана.

● Йилига 256 марта чиқади.

Нашр кўрсаткичи 64583.
Буюртма № 6481

№ 236.

Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ● Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилди—21.00 Узбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000 Тошкент шаҳри. Ленинград кўчаси, 32. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.